

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУНЧИЛИК
ТЎПЛАМИ

50-сон
(1070)
2022 йил
декабрь

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

455. «Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 15 декабрдаги ЎРҚ–809-сон Қонуни
456. «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 16 декабрдаги ЎРҚ–810-сон Қонуни

Иккинчи бўлим

457. «Куз-қиш мавсумида истеъмолчиларни автобензин маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш ва уларнинг нархлари кескин ошишининг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 12 декабрдаги ПҚ–440-сон қарори

Учинчи бўлим

458. «Суд-экспертлик фаолиятини тартибга солувчи айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 13 декабрдаги 705-сон қарори
459. «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчиларга субсидия бериш ахборот тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 16 декабрдаги 711-сон қарори
460. «Қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларини сертификатлаш ва наводорлигини баҳолаш бўйича давлат хизматлари кўрсатишни такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 16 декабрдаги 712-сон қарори

Бешинчи бўлим

461. Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг 2022 йил 29 ноябрдаги 33-2022/Б-сон «Дарё транспорти ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 12 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2067-1*)
462. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2022 йил 24 ноябрдаги 64-сон «Солиқ маслаҳатчиларининг малакасини ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқ, шунингдек унга ўзгартиришлар ва қўшимчани ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 12 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2343-4*)
463. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2022 йил 24 ноябрдаги 28-сон «Қон ва унинг таркибий қисмларини топшириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 12 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2556-2*)
464. O‘zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo‘mitasining 2022-yil 16-noyabrdagi 23-mb-son “Statistika hisoboti shakllarini tasdiqlash to‘g‘risida”gi qarori (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2022-yil 12-dekabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3401*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

БИРИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ****455 «Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақида***

Қонунчилик палатаси томонидан 2022 йил
27 сентябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2022 йил 19 ноябрда
маъқулланган

Кейинги йилларда Ўзбекистон Республикасида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларга эришиш, жамият ва давлат ишларини бошқаришда уларнинг тенг равишда иштирок этишини таъминлаш, хотин-қизларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш соҳасида мустаҳкам ҳуқуқий асослар яратилди.

Шунингдек мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётининг барча соҳаларида хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг равишда иштирок этишини таъминлашга қаратилган махсус стратегиялар ҳамда дастурлар қабул қилинди. Шу билан бирга гендер тенгликни таъминлаш механизмлари такомиллаштирилмоқда.

Ушбу Қонун гендерга оид аудит ўтказишнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлайди, хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари таъминланишини, шунингдек ушбу соҳада жамоатчилик назорати ўтказилишини кучайтиришга хизмат қилади.

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 сентябрда қабул қилинган **«Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»**ги ЎРҚ–62-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 9, 587-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) қуйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

1) 3-модда:

қуйидаги мазмундаги **олтинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«гендерга оид аудит — давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятида, шу жумладан кадрлар сиёсатини олиб боришда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя этилиши ҳолатини, шунингдек гендерга доир комплекс ёндашувни ўрганиш ва баҳолаш»;

олтинчи ва **еттинчи хатбошилари** тегишинча **еттинчи** ва **саккизинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 16 декабрда эълон қилинган.

қуйидаги мазмундаги **тўққизинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«**гендерга доир комплекс ёндашув** — давлат органлари ва ташкилотлари томонидан ўз фаолиятини, шу жумладан кадрлар сиёсатини олиб боришни хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ ташкил этиш»;

2) **1-боб** қуйидаги мазмундаги **8¹** ва **8²-моддалар** билан тўлдирилсин:

«8¹-модда. Гендерга оид аудитнинг асосий вазифалари

Гендерга оид аудитнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат: давлат органлари ва ташкилотларида хотин-қизлар ва эркаклар сонининг нисбатини ўрганиш;

давлат органлари ва ташкилотлари ўз фаолиятини гендерга доир комплекс ёндашув асосида ташкил этганлиги ҳолатини ўрганиш;

хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги қонунчиликнинг ижро этилиш ҳолатини баҳолаш;

хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

8²-модда. Гендерга оид аудитни ўтказиш ва унинг натижаларини кўриб чиқиш тартиби

Гендерга оид аудит тасдиқланган уч йиллик режага асосан Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси томонидан давлат органлари ва ташкилотларида жамоатчилик назорати доирасида ўтказилади.

Гендерга оид аудит давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда гендерга оид аудитни ўтказиш услубияти асосида ўтказилади.

Гендерга оид аудитни ўтказиш учун тегишли соҳада зарур билимга ва иш тажрибасига эга бўлган мутахассислар жамоатчилиги асосида жалб этилиши мумкин.

Гендерга оид аудит натижаларига доир ахборот ва таклифлар гендерга оид аудит ўтказилганидан кейин Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссиясига ўн иш кунидан кечиктирмай юборилади.

Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссияси гендерга оид аудит натижаларига доир ахборотни ва таклифларни бир ой ичида кўриб чиқади. Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссияси гендерга оид аудит натижаларига доир ахборотни ва таклифларни кўриб чиқиш якунлари бўйича давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятига, шу жумладан кадрлар сиёсатини олиб боришда гендерга доир комплекс ёндашувни босқичма-босқич жорий этишга қаратилган чора-тадбирларни белгилайди ва уларнинг амалга оширилишини назорат қилади.

Гендерга оид аудит натижалари тўғрисидаги ахборот Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерациясининг расмий веб-сайтига жойлаштирилади»;

- 3) **10-модданинг матнидаги** «Ўзбекистон Республикасининг Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссияси» деган сўзлар «Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссияси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;
- 4) **12-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«12-модда. Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссиясининг ваколатлари

Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссияси:

хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини оширишга, хотин-қизлар ва эркеклар ўртасида гендер тенгликка эришишга, оилани мустаҳкамлашга, оналик, оталик ҳамда болаликни муҳофаза қилишга қаратилган давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этади;

жамият ҳаётининг барча соҳаларида хотин-қизлар ва эркекларнинг ҳақиқий тенглигига эришишга, давлат хизматининг раҳбарлик лавозимларига илгари суриш чоғида жинс бўйича камситишга йўл қўймаслик принципини таъминлашга кўмаклашади;

хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги давлат дастурларини, миллий ҳаракатлар режаларини ва стратегияларни ишлаб чиқишда ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

гендер тенгликни, хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш борасидаги ишларнинг жорий ҳолатини ўрганиш, мавжуд муаммоларни танқидий жиҳатдан таҳлил қилиш ва бартараф этиш чораларини кўради;

хотин-қизларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий фаоллигини эркеклар билан тенг равишда ошириш чораларини кўради;

давлат органларининг жамият ҳаётининг барча соҳаларида хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларга эришишга қаратилган фаолиятини мувофиқлаштиради;

жинси бўйича бевосита ёки билвосита камситилганлиги муносабати билан оғир ҳаётий вазиятга тушиб қолган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларга ёрдам кўрсатиш бўйича махсус муассасаларни ташкил этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади;

гендер сиёсати амалга оширилишини таъминлаш бўйича вақтинчалик махсус чоралар кўриш ва уларни бекор қилиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритади;

хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисидаги қонунчиликнинг ижроси устидан назоратни амалга оширади;

жисмоний ва юридик шахсларнинг хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш масалаларига доир мурожаатларини қабул қилишни, кўриб чиқишни ва таҳлил қилишни амалга оширади ҳамда бузилган ҳуқуқларни тиклаш юзасидан чоралар кўради;

гендерга оид аудитни ўтказиш режасини тасдиқлайди ва гендерга оид аудитни ўтказиш услубиятини белгилайди;

хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш ва бу соҳадаги халқаро стандартларга риоя этиш борасида халқаро ташкилотлар, хорижий мамлакатларнинг тегишли органлари билан ҳамкорликни амалга оширади».

2-модда. Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

3-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

4-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2022 йил 15 декабрь,
ЎРҚ–809-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

456 Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан 2022 йил
15 июлда қабул қилинган

Сенат томонидан 2022 йил 19 ноябрда
маъқулланган

Сўнги йилларда мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини сўзсиз таъминлаш ҳамда фаол фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган ислохотларнинг устувор йўналишларини мустаҳкамлашга доир тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Мамлакатимизда муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни реабилитация қилиш орқали уларга ҳуқуқий, ижтимоий, психологик, тиббий ва бошқа турдаги ёрдам кўрсатишга, шунингдек уларга жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор нормалари ва қоидаларини сингдиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари яратилган.

Бугунги кунда ички ишлар органларининг муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни реабилитация марказига жойлаштириш тўғрисидаги илтимосномалари туманлараро маъмурий судлар томонидан кўриб чиқилмоқда.

Туманлараро маъмурий судлар фақат вилоят марказларида жойлашганлиги, ҳудудлар географик жойлашуви бўйича бир-бирдан узоқда жойлашганлиги ва ички ишлар органлари ходими мазкур иш билан шуғулланиши давомида ўз хизмат жойини узоқ муддат бўш қолдираётганлиги туфайли муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни реабилитация марказига жойлаштириш тўғрисидаги илтимосномаларни кўриб чиқиш амалиётини фуқароларга қулайликлар яратиш нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқиш зарурати юзага келмоқда.

Ушбу Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни реабилитация марказига жойлаштириш тўғрисидаги илтимосномаларни кўриб чиқишга доир нормаларини Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўтказиш ҳамда тегишли ишларни кўриб чиқишни маъмурий судлардан жиноят ишлари бўйича туман, шаҳар судларига ўтказиш назарда тутилмоқда.

Қонунда таклиф этилаётган нормалар муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни реабилитация марказига жойлаштириш билан боғлиқ қийинчиликларнинг ва ортиқча оврагарчиликларнинг олдини олишга хизмат қилади.

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси,

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 17 декабрда эълон қилинган.

1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 671, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469, 471-моддалар, № 9, 591, 592-моддалар, № 10, 674, 676-моддалар, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 203, 204-моддалар, № 7, 449-модда, № 9, 539, 540-моддалар, № 10, 593, 596-моддалар, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 7, 12, 13, 14-моддалар, № 2, 142-модда, № 3, 217-модда, № 4, 290, 293-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 800, 802, 803-моддалар, № 9, 903-модда, № 10, 966, 967, 968, 973-моддалар, № 11, 1066-модда; 2022 йил, № 1, 1, 2-моддалар, № 2, 80, 81-моддалар, № 3, 215, 216-моддалар, № 4, 337-модда, № 5, 464, 467-моддалар) қуйидаги мазмундаги **XXIII² боб** билан тўлдирилсин:

«XXIII² боб. Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсни реабилитация марказига жойлаштириш тўғрисида иш юритиш

313⁶-модда. Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсни реабилитация марказига жойлаштириш тўғрисида илтимоснома бериш

Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсининг реабилитация маркази-

га жойлаштирилишини талаб қилувчи асослар аниқланган тақдирда, ички ишлар органи бундай шахс ички ишлар органига келтирилган пайтдан эътиборан 48 соат ичида уни реабилитация марказига ўттиз суткадан кўп бўлмаган муддатга жойлаштириш тўғрисида судга илтимоснома юбориш учун материалларни тайёрлаши шарт.

Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсни реабилитация марказига жойлаштириш тўғрисидаги илтимоснома ва уни реабилитация марказига жойлаштириш зарурлигини тасдиқловчи материаллар муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахс аниқланган ердаги ёки реабилитация маркази жойлашган ердаги жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судига ички ишлар органи томонидан берилади.

313⁷-модда. Илтимосноманинг шакли ва мазмуни

Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсни реабилитация марказига жойлаштириш тўғрисидаги илтимоснома судга ёзма шаклда берилади ва ички ишлар органининг раҳбари ёки унинг ўринбосари томонидан имзоланади.

Илтимосномада қуйидагилар кўрсатилиши керак:

- 1) илтимоснома берилаётган суднинг номи;
- 2) ички ишлар органининг номи ва жойлашган ери (почта манзили);
- 3) муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми;
- 4) илтимосномага асос бўлган ҳолатлар;
- 5) берилган илтимосноманинг асосларини тасдиқловчи далиллар;
- 6) муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсни реабилитация марказига жойлаштириш тўғрисидаги илтимос, жойлаштириш муддатини кўрсатган ҳолда;
- 7) илова қилинаётган ҳужжатларнинг рўйхати.

Илтимосномада ички ишлар органининг телефон, факс рақамлари, электрон манзили кўрсатилиши мумкин.

Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсни реабилитация марказига жойлаштириш тўғрисида ушбу моддада назарда тутилган талабларни бузган ҳолда берилган илтимоснома ички ишлар органига қайтарилади.

313⁸-модда. Илтимосномага илова қилинадиган ҳужжатлар

Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсни реабилитация марказига жойлаштириш тўғрисидаги илтимосномага қуйидагилар илова қилинади:

- 1) муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсни аниқлаган мансабдор шахснинг муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсни реабилитация марказига жойлаштириш тўғрисида судга илтимоснома киритиш тўғрисида тегишли туман (шаҳар) ички ишлар органи бошлиғи томонидан тасдиқланган қарори;
- 2) яшаш манзиллари (манзиллар бўйича бюро) ҳақида маълумотлар берувчи органнинг маълумотномаси, шунингдек муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахснинг Ўзбекистон Республикасидаги маълум бўлган охириги яшаш жойини текшириш натижалари тўғрисидаги маълумот;
- 3) муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахснинг тушунтириши ёки бун-

дай шахс томонидан тушунтириш бериш рад этилганлиги тўғрисида тегишли тарзда тузилган далолатнома;

4) муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсни тиббий кўрикдан ўтказиш натижалари тўғрисидаги тиббий маълумотнома;

5) муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахснинг ҳуқуқлари, шу жумладан адвокатнинг юридик ёрдамидан фойдаланиш ҳуқуқи ва ўз яқинларига телефон орқали қўнғироқ қилиш ҳуқуқи тушунтирилганлиги ҳақидаги баённома.

Илтимосномага билдирилган илтимосномани асословчи бошқа ҳужжатлар ҳам илова қилиниши мумкин.

313⁹-модда. Илтимосноманинг суд томонидан кўриб чиқиши

Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсни реабилитация марказига жойлаштириш тўғрисидаги илтимоснома тақдим этилган пайтдан эътиборан 24 соат ичида судья томонидан ёпиқ суд мажлисида якка тартибда кўриб чиқилади.

Ўзига нисбатан реабилитация марказига жойлаштириш тўғрисидаги илтимоснома кўриб чиқиладиган шахс ва ички ишлар органининг вакили суд мажлисида иштирок этиши шарт. Суд мажлисида адвокат иштирок этиши мумкин.

Илтимосномани кўриб чиқиш ички ишлар органи вакилининг муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсни реабилитация марказига жойлаштириш зарурлиги ва жойлаштириш муддати асослаб бериладиган маърузаси билан бошланади. Сўнгра ўзига нисбатан илтимоснома кўриб чиқиладиган шахс, агар суд мажлисида иштирок этаётган бўлса, адвокат, судга келган бошқа шахслар эшитилади, тақдим этилган материаллар текширилади.

Қарор судья томонидан алоҳида хонада чиқарилади.

Илтимосномани кўриб чиқиш натижалари бўйича суд қуйидаги қарорлардан бирини чиқаради:

илтимосномани қаноатлантириш ва муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсни реабилитация марказига жойлаштириш тўғрисида;

илтимосномани қаноатлантиришни рад этиш ҳақида.

Илтимосномани қаноатлантириш ва муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсни реабилитация марказига жойлаштириш тўғрисида ёки қаноатлантиришни рад этиш ҳақидаги қарор ўқиб эшиттирилган пайтдан эътиборан кучга киради ва дарҳол ижро этилиши лозим.

Қарор ижро этиш учун дарҳол ички ишлар органи вакилига, агар суд мажлисида иштирок этган бўлса, адвокатга ва ўзига нисбатан қарор чиқарилган шахсга топширилади.

Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсни реабилитация марказига жойлаштириш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиш натижалари бўйича чиқарилган қарор устидан ушбу қарор чиқарилган кундан эътиборан уч кун ичида ўзига нисбатан қарор чиқарилган шахс, унинг қонуний вакили ва адвокат апелляция тартибда шикоят бериши, прокурор эса апелляция протести келтириши мумкин.

Апелляция инстанцияси судининг судьяси қарор устидан берилган шикоятни (протестни) у келиб тушган кундан эътиборан уч кун ичида якка тартибда кўриб чиқиб, унинг натижалари бўйича қуйидаги қарорлардан бирини чиқаради:

қарорни ўзгаришсиз, шикоятни (протестни) эса қаноатлантирмасдан қолдириш тўғрисида;

муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсни реабилитация марказига жойлаштириш тўғрисидаги илтимосномани қаноатлантириш ҳақидаги қарорни бекор қилиш ва шахсни реабилитация марказидан озод қилиш ҳақида;

илтимосномани қаноатлантирмасдан қолдириш ҳақидаги қарорни бекор қилиш ва муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсни реабилитация марказига жойлаштириш тўғрисида».

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 25 январда қабул қилинган ЎРҚ–462-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, 1-сонга 3-илова, № 10, 672-модда; 2019 йил, № 5, 261-модда, № 9, 592-модда, № 11, 791-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 1, 1-модда, № 3, 198-модда; 2021 йил, № 1, 9-модда, 4-сонга илова, № 8, 800, 803-моддалар, № 9, 903-модда) **24-боби** чиқариб ташлансин.

3-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

хукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-хукуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин;

ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

4-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2022 йил 16 декабрь,
ЎРҚ–810-сон

ИККИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ****457 Куз-қиш мавсумида истеъмолчиларни автобензин маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш ва уларнинг нархлари кескин ошишининг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида***

Куз-қиш мавсумида истеъмолчиларнинг автобензин маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини ўз вақтида таъминлаш, уларнинг нархларини барқарорлаштириш ҳамда аҳолининг ортиқча сарф-харажатларини қисқартириш мақсадида:

1. Энергетика вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Монополияга қарши курашиш қўмитасининг 2022 йил 10 декабрдан 2023 йил 1 мартга қадар импорт қилинадиган, маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқариладиган ва тадбиркорлик субъектлари томонидан якуний истеъмолчиларга сотиладиган АИ-80 русумли автобензин маҳсулоти учун, истисно тариқасида, акциз солиғини «ноль» ставкада қўллаш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. 2022 йил 10 декабрдан 2023 йил 1 апрелга қадар Энергетика вазирлиги ҳузуридаги Нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси ҳамда Электр энергетикада назорат инспекцияси томонидан, истисно тариқасида, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил билан келишмасдан тадбиркорлик субъектларини уларнинг молиявий-иқтисодий фаолиятига аралашмаган ҳолда энергия ресурсларидан ноқонуний ва самарасиз фойдаланиш ҳолатлари бўйича текширишга рухсат берилсин.

Нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси ҳамда Электр энергетикада назорат инспекцияси ўтказиладиган текширувлар натижалари бўйича автобензин маҳсулотларининг ортиқча йўқотишларига ва талон-тарожликларга йўл қўйган мансабдор шахсларга нисбатан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган жазо чораларини қўллаш, шунингдек, уларнинг фаолиятига ҳуқуқий баҳо бериш юзасидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга тақдимномалар киритиб борсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 17 мартдаги «Юқори ликвидли ва монопол товарларни сотиш жараёнларига бозор механизмларини жорий этишни давом эттириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–5031-сон қарори 1-бандининг «в» кичик банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 13 декабрда эълон қилинган.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Бош вазир ўринбосари Ж.Т. Мирзамаҳмудов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2022 йил 12 декабрь,
ПҚ-440-сон

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

458 Суд-экспертлик фаолиятини тартибга солувчи айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида суд-экспертлик тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2021 йил 5 июлдаги ПФ–6256-сон ҳамда «Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ҳамда ҳуқуқий хизмат кўрсатишда адлия органлари ва муассасалари фаолияти самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2022 йил 17 мартдаги ПФ–89-сон фармонлари ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида суд-экспертлик тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2021 йил 5 июлдаги ПФ–6256-сон ҳамда «Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ҳамда ҳуқуқий хизмат кўрсатишда адлия органлари ва муассасалари фаолияти самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2022 йил 17 мартдаги ПФ–89-сон фармонларига мувофиқ:

а) суд экспертларининг фаолиятини касбий лаёқатлилиги, ўтказилган суд-экспертизаларининг сифати ва бошқа мезонларга асосан рейтинг тизимида баҳолаб бориш белгиланганлиги;

б) Адлия вазирлиги ҳузурида юридик шахс ташкил этмаган ҳолда Суд-экспертлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил қилинганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагиларни назарда тутувчи:

а) Суд экспертларининг фаолиятини рейтинг тизимида баҳолаб бориш тўғрисидаги намунавий низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

суд экспертларини рейтинг тизимида баҳолаш тартиби;

баҳолаш учун асос бўладиган мезонлар;

суд экспертларини баҳолаш натижасида тўплаган балларини инобатга олган ҳолда таснифлаш;

рейтинг натижалари бўйича суд экспертларини рағбатлантириш, мавжуд рағбатлантиришни камайтириш ёки бекор қилиш ёхуд интизомий жазо қўллашгача бўлган чораларни кўриш;

рейтинг кўрсаткичлари юқори бўлган суд экспертларининг иш фаолиятини

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 14 декабрда эълон қилинган.

оммалаштириш, келгусида уни бошқа рағбатлантириш ва мукофотлар билан тақдирлашда ҳисобга олиш;

б) Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд-экспертлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд-экспертлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) фаолиятини ташкил этиш, жумладан, Жамғарма маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш, Жамғармадан маблағ ажратиш ва Жамғарма фаолиятини бошқариш тартиблари, шунингдек, Жамғарма маблағларидан фойдаланиш юзасидан назоратни ташкил қилиш;

суд-экспертиза соҳасидаги ислохотларни қўшимча молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида нодавлат суд-экспертиза ташкилотларига субсидиялар ажратиш;

нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари билан давлат-хусусий шериклик асосида амалга ошириладиган лойиҳаларни молиялаштириш;

суд экспертиза соҳасидаги илмий тадқиқотларга қўмаклашиш, суд экспертизанинг янги турлари ва тадқиқот ишларини қўллаб-қувватлаш учун грантлар ажратиш;

суд экспертларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш дастурларини амалга ошириш;

суд-экспертлик фаолиятига илғор фан ва техника ютуқларини жорий этиш;

давлат суд-экспертиза муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш.

3. Белгилансинки:

давлат суд-экспертиза муассасаларига уларнинг бюджетдан ташқари ривожлантириш жамғармаси маблағларининг 50 фоизгача бўлган қисмини суд-экспертиза муассасалари ходимларини ижтимоий ҳимоя қилиш ва моддий рағбатлантириш тадбирларига сарфлашга рухсат этилади;

тизимида давлат суд-экспертиза муассасалари бўлган вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларига давлат суд-экспертиза муассасалари тушумларидан фойдаланиш тўғрисидаги тартибни Молия вазирлиги билан келишган ҳолда тасдиқлаш ҳуқуқи берилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 3-иловага айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.

5. Тизимида давлат суд-экспертиза муассасалари бўлган вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралари икки ой муддатда:

Суд экспертларининг фаолиятини рейтинг тизимида баҳолаб бориш тўғрисидаги намунавий низом ҳамда фаолият йўналишларидан келиб чиқиб, ўзларининг низомларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси адлия вазири А.Ж. Ташкулов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 13 декабрь,
705-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил 13 декабрдаги 705-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Суд экспертларининг фаолиятини рейтинг тизимида
баҳолаб бориш тўғрисида
НАМУНАВИЙ НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Намунавий низом давлат суд-экспертиза муассасаси ва нодавлат суд-экспертиза ташкилоти экспертларининг (кейинги ўринларда — суд экспертлари) фаолиятини касбий лаёқатлилиги, ўтказилган суд экспертизаларининг сифати ва бошқа мезонларга асосан рейтинг тизимида баҳолаш тартибини белгилайди.

2. Фаолият кўрсатиб келаётган суд экспертларининг илмий салоҳиятини янада ошириш, суд-экспертлик соҳасидаги инновацион технологияларни кенг оммалаштириш, суд-экспертиза фаолиятида соғлом рақобат муҳитини яратиш рейтинг тизимида баҳолашнинг асосий мақсади ҳисобланади.

Суд экспертлари фаолиятини баҳолаш қонунийлик, ошкоралик, холислик, адолатлилиқ ва шаффофлик принципларига асосланади.

Бунда берилган суд-экспертиза хулосаларининг муддатида ва сифатли бажарганлиги, бажарилган суд экспертизаларининг ҳажми, суд экспертнинг меҳнат ва ижро интизомига риоя қилиши, илмий лойиҳаларда иштирок этиши, илмий фаолият билан шуғулланиши (фалсафа доктори (PhD) илмий даражаси ва фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун изланишлари), янги суд-экспертиза турларини жорий қилиши, янги методикаларни ишлаб чиқиши, мавжуд методикаларни такомиллаштириш, амалга оширилган тарғибот тадбирлари, фаолиятини такомиллаштириш юзасидан берган асосли таклифлари инobatга олинади.

3. Суд экспертнинг фаолиятини касбий лаёқатлилиги, ўтказилган суд экспертизаларининг сифати ва бошқа мезонларга асосан баҳолаш қоида тариқасида бир йилда бир мартаба амалга оширилади. Суд экспертларини рейтинг тизимида баҳолаш ушбу Намунавий низомга 1-иловада* назарда тутилган схемага мувофиқ ташкил этилади.

* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

2-боб. Рейтинг тизимида баҳолаш тартиби

4. Рейтингни белгиланган тартибда юритиш давлат суд-экспертиза муассасаси ёки нодавлат суд-экспертиза ташкилоти, шунингдек, тизимида суд-экспертиза муассасаси мавжуд бўлган вазирлик, давлат қўмитаси ёки идораси раҳбарининг буйруғи билан тасдиқланадиган Суд эксперти фаолиятини касбий лаёқатлилиги, ўтказилган суд экспертизаларининг сифати ва бошқа мезонлар асосида баҳолаш бўйича комиссия (кейинги ўринларда — Комиссия) томонидан амалга оширилади.

5. Комиссия 5 ёки 7 нафар аъзодан иборат таркибда ташкил этилади.

6. Комиссия таркиби қоида тариқасида қуйидаги тартибда шакллантирилади: давлат суд-экспертиза муассасаси ёки нодавлат суд-экспертиза ташкилоти раҳбари ёхуд унинг ўринбосари — Комиссия раиси, давлат суд-экспертиза муассасаси ёки нодавлат суд-экспертиза ташкилотининг кадрлар иши бўйича масъул ходими — Комиссия котиби ҳисобланади, давлат суд-экспертиза муассасаси ёки нодавлат суд-экспертиза ташкилотининг тегишли таркибий бўлими масъул ходимлари, тизимида суд-экспертиза муассасаси мавжуд бўлган вазирлик, давлат қўмитаси ёки идоранинг вакили, шунингдек келишув асосида суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, олий таълим муассасалари ва илмий ташкилотлар ходимлари ҳам унинг таркибига киритилиши мумкин.

7. Комиссия котиби Комиссия мажлисларини ўтказишни ташкил қилади, ҳужжатларни тўплайди, баённомаларни расмийлаштиради, таништиради, эълон қилади, сақлайди, баённомаларда белгиланган тадбирларни бажарилишини назорат қилади ва бошқа тадбирларни амалга оширади.

8. Комиссия аъзолари Комиссия мажлиси ўтказиладиган санадан камида 5 кун олдин хабардор қилинади.

9. Комиссия мажлислари унинг аъзолари умумий сонининг учдан икки қисми иштирок этган бўлса, ваколатли ҳисобланади. Комиссия ҳар бир аъзосининг суд экспертига мустақил тарзда тегишли мезонлар асосида қўйган баллар Комиссия котиби томонидан умумлаштирилиб, Комиссия аъзолари сонига нисбатан яхлитлаш орқали ўртача умумий балл аниқланади.

10. Фаолиятни баҳолаш юзасидан асослантурувчи ҳужжатлар тегишли таркибий бўлим (лаборатория ва бўлимлар) масъул ходимлари томонидан Комиссия котибига ҳар йили 10 январга қадар топширилади, 10 январдан кечиктириб топширилган ҳужжатлар Комиссия котиби томонидан қабул қилинишига йўл қўйилмайди.

11. Комиссияга асосланмаган ёки сохта ҳужжатларни тақдим қилиш тегишли жавобгарликни келтириб чиқаради.

12. Комиссияга тақдим этилган ҳужжатлар ҳар йили 20 январга қадар тегишли тартибда кўриб чиқилиб ва ҳар бир фаолиятнинг долзарблиги инобатга олиниб, ушбу Намунавий низомга 2-иловада* назарда тутилган мезонлар асосида баҳоланади.

* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Комиссия томонидан тақдим этилган ҳужжатлар белгиланган мезонлар асосида 100 баллик тизимда баҳоланади.

13. Суд эксперти фаолиятини рейтинг тизими асосида баҳолаш кўрсаткичлари бўйича тўпланган баллардан келиб чиқиб, қуйидагича тавсифланади:

86 — 100 балл — «аъло»;

71 — 85 балл — «яхши»;

56 — 70 балл — «қониқарли»;

0 — 55 балл — «қониқарсиз».

14. Комиссия мажлиси баённома орқали расмийлаштирилади, баҳолаш жадвали баённомага илова қилинади.

3-боб. Рейтинг натижалари бўйича суд экспертларини рағбатлантириш

15. Баҳолаш натижасида тўпланган рейтинг кўрсаткичларига асосан «қониқарли», «яхши» ва «аъло» деб топилган:

давлат суд экспертига нисбатан давлат суд-экспертиза муассасаси ёки вазирлик, идора ва ташкилотларнинг бюджетдан ташқари ривожлантириш жамғармалари ҳисобидан рағбатлантириш, хусусан, ҳар ойлик қўшимча устамалар миқдорини белгилашга доир чоралар қўлланилиши мумкин;

нодавлат суд-экспертиза ташкилотининг экспертларини рағбатлантириш ушбу ташкилотларнинг жамоа келишувлари ёки меҳнат ҳақидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатлари билан тартибга солинади.

16. Рейтинг натижасига кўра, фаолияти аъло деб топилган суд экспертига нисбатан давлат суд-экспертиза муассасаларининг бюджетдан ташқари ривожлантириш жамғармалари, шунингдек, нодавлат суд-экспертиза ташкилоти ҳисобидан лавозим маошининг 50 фоизигача миқдоридан бир марталик пул мукофоти берилиши мумкин.

17. Суд эксперти фаолиятини рейтинг тизимида баҳолашда фаолияти қониқарсиз деб топилган суд экспертларини лавозим маошига қўлланиб келинган рағбатлантиришлар камайтирилиши ёки бекор қилиниши мумкин.

Рейтинг тизими асосида баҳолаш фаолияти қониқарсиз деб топилганлиги суд экспертига нисбатан интизомий жазо чораси қўлланилишига асос бўлиши мумкин.

18. Комиссия рейтинг натижаларини ҳар йили 25 январга қадар эълон қилади.

19. Давлат суд-экспертиза муассасаси ёки нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари ҳар йили 10 мартга қадар рейтинг кўрсаткичларига асосан суд экспертларига нисбатан рағбатлантириш, мавжуд рағбатлантиришни камайтириш ва бекор қилиш ёки интизомий жазо чораси қўллашгача бўлган чораларни кўради.

4-боб. Яқунловчи қоидалар

20. Рейтинг кўрсаткичлари юқори бўлган суд экспертнинг иш фаолиятини оммалаштириш келгусида уни бошқа рағбатлантириш ва мукофотлар билан тақдирлашда ҳисобга олинади.

21. Рейтинг кўрсаткичлари суд-экспертиза муассасасининг расмий ахборот манбаларида, суд-экспертиза фаолиятига оид ахборот порталларида ва бошқа ижтимоий тармоқларда эълон қилинади.

22. Ушбу Намунавий низом талабларининг бузилишига йўл қўйган айбдор шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил 13 декабрдаги 705-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги
Суд-экспертлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-
қувватлаш жамғармаси тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд-экспертлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Жамғарма Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида суд-экспертлик тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2021 йил 5 июлдаги ПФ–6256-сон Фармонида асосан ташкил қилинган.

3. Жамғарма ўз маблағларини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига, бошқа қонунчилик ҳужжатларига ва мазкур Низомга асосан тасарруф қилади.

4. Жамғарма юридик шахс ҳисобланмайди, унинг маблағлари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг (кейинги ўринларда — Адлия вазирлиги) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ҳазначилигидаги шахсий ҳисобварағига жамланади ҳамда белгиланган тартибда бухгалтерия ҳисоби юритилади ва амалга оширилади.

5. Жамғармани бошқариш ва унинг маблағларини мақсадли тақсимлаш Жамғарма фаолиятини бошқариш кенгаши (кейинги ўринларда — Жамғарма кенгаши) томонидан амалга оширилади.

Адлия вазирлигининг Молия-иқтисод бошқармаси Жамғарма кенгашининг ишчи органи (кейинги ўринларда — Ишчи орган) ҳисобланади.

**2-боб. Жамғарма маблағларини шакллантириш ва
улардан фойдаланиш тартиби**

6. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида суд-экспертлик тизимини такомиллаштириш чора-тадбир-

лари тўғрисида» 2021 йил 5 июлдаги ПФ–6256-сон Фармонига мувофиқ Жамғарма маблағларини шакллантириш манбалари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Адлия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси ва улар тизимидаги ташкилотларнинг бюджетдан ташқари жамғармаларига тушадиган тушумнинг 1 фоизи миқдордаги ажратмалар;

давлат суд-экспертиза муассасалари томонидан шартнома асосида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларига мувофиқ ўтказиладиган суд-экспертиза тадқиқотлари учун олинган тўловларнинг 5 фоизи;

хорижий (халқаро) молия институтлари ва бошқа хорижий донорларнинг техник кўмак воситалари ва грантлари;

Жамғарманинг бўш маблағларини тижорат банкларининг депозитларига жойлаштиришдан олинладиган даромадлар ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар.

7. Жамғарма маблағлари:

«E-ekspertiza» электрон ахборот тизимини жорий этиш, техник қўллаб-қувватлаш ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш;

нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари билан давлат-хусусий шериклик асосида белгиланган тартибда амалга ошириладиган лойиҳаларни молиялаштириш;

нодавлат суд-экспертиза ташкилотларига субсидиялар ажратиш;

суд-экспертиза соҳасидаги илмий тадқиқотларга кўмаклашиш, суд экспертизасининг янги турлари ва тадқиқот ишларини қўллаб-қувватлаш учун грантлар ажратиш;

суд экспертларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш дастурларини амалга ошириш;

суд-экспертлик фаолиятига илғор фан ва техника ютуқларини жорий этиш;

давлат суд-экспертиза муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга йўналтирилади.

8. Давлат суд-экспертиза муассасаларининг сўровларига асосан «E-ekspertiza» электрон ахборот тизимини жорий этиш, техник қўллаб-қувватлаш ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ харажатларнинг бир қисмини қоплаш учун Жамғарма ҳисобидан маблағлар ажратилиши мумкин.

Бунда ажратилган маблағлар, биринчи навбатда, «E-ekspertiza» электрон ахборот тизимини техник қўллаб-қувватлашга йўналтирилади.

9. Жамғарма маблағларидан нодавлат суд-экспертиза ташкилотларига субсидиялар қўйидаги мақсадларда ажратилади:

суд-экспертлик фаолиятини амалга ошириш учун ижарага олинган бинолар дастлабки олти ойлик ижарасининг 50 фоизгача бўлган миқдорини тўлаб бериш;

тадқиқотлар ўтказишда фойдаланиладиган замонавий ускуналарни хорижий давлатлардан импорт қилишда сарфланган транспорт харажатларини бир қисми бўлган, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 бараваридан кўп бўлмаган миқдорда амалга оширилади.

Бунда, Жамғарма маблағларидан самарали ва тўғри фойдаланишни ташкил этиш учун нодавлат суд-экспертиза ташкилотига йил давомида бир марта субсидия ажратилади.

10. Суд-экспертиза соҳасидаги илмий тадқиқотларга кўмаклашиш, суд экспертизасининг янги турлари ва тадқиқот ишларини қўллаб-қувватлаш учун зарур билим ва тажрибага эга бўлган илмий-тадқиқот муассасаларига Жамғарма маблағлари ҳисобидан грантлар ажратилади.

11. Суд экспертларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш дастурларини амалга оширишда Жамғарма маблағлари давлат суд-экспертиза муассасалари, нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари эҳтиёжларидан келиб чиқиб, бироқ йил давомида ўн нафардан кўп бўлмаган номзодларни хорижий давлатларда қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тадбирларига йўналтирилади.

12. Жамғармага тушадиган хорижий валютадаги маблағлар Адлия вазирлигининг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ҳазначилигидаги шахсий ҳисобварағига жамланади ва мазкур маблағлардан қонунчиликда ўрнатилган тартибда фойдаланилади.

13. Жамғармадан мазкур Низомнинг 7-бандида белгиланган йўналишларга маблағлар тасдиқланган харажатлар сметаси бўйича ажратилади ҳамда улардан ушбу тақсимот доирасидаги тадбирларни молиялаштиришда фойдаланилади.

14. Жамғарманинг жорий йилда фойдаланилмаган маблағлари Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига олиб қўйилмайди ва улардан кейинги молия йилларида фойдаланилади.

3-боб. Жамғармадан маблағ ажратиш тартиби

15. Давлат суд-экспертиза муассасаси, нодавлат суд-экспертиза ташкилотига Жамғармадан маблағ мазкур Низомга иловада* келтирилган схемага мувофиқ ажратилади.

Жамғармадан маблағлар ажратишда, маблағлар биринчи навбатда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида Жамғармага юклатилган вазифаларни молиялаштиришга йўналтирилади.

16. Давлат суд-экспертиза муассасалари ҳамда нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари мазкур Низомнинг 7-бандида назарда тутилган йўналишлар бўйича Жамғарма кенгашига заруратга кўра ҳар йили декабрь ойининг 15-насига қадар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

муружаат этувчи юридик шахс номи, ташкилий-ҳуқуқий шакли, жойлашган жойи (почта манзили), банк бўлинмасининг номи ва банкдаги ҳисобварағи, электрон почта манзили ҳамда СТИР кўрсатилган ариза;

Жамғармадан маблағлар ажратиш зарурлигини асословчи тегишли ҳужжатлар (маблағлардан фойдаланиш йўналишига қараб).

Бунда амалга оширилиши режалаштирилаётган лойиҳалар, грантлар, ре-

* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

жалар ҳамда уларни молиялаштириш билан боғлиқ ҳисоб-китоблар тақдим этилади.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг тўлиқ ва ҳаққонийлиги учун ариза берувчилар жавобгар ҳисобланади.

17. Давлат суд-экспертиза муассасаси, нодавлат суд-экспертиза ташкилотидан ушбу Низом талабларига мувофиқ келиб тушган аризалар Жамғарма кенгашининг навбатдаги йиғилиши кун тартибига қўйилади ва кўриб чиқилади.

Ариза ва унга илова қилинган ҳужжатлар Ишчи орган томонидан ўрганиб чиқилади.

Жамғарма кенгаши Жамғармадан маблағлар ажратиш зарурлигига аниқлик киритиш мақсадида қўшимча ҳужжатларни сўраб олиши мумкин.

18. Жамғарма маблағларини олиш учун давлат суд-экспертиза муассасаси, нодавлат суд-экспертиза ташкилоти томонидан тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиш жараёнида, агар буюртманома Жамғарманинг мақсад ва вазифаларига мос келмаса, маблағлардан мақсадсиз фойдаланиш таваккалчилиги мавжуд бўлса ва лойиҳанинг мақсадга мувофиқлиги ҳамда иқтисодий самарадорлиги етарлича асосланмаган бўлса, маблағларни ажратишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинади.

19. Жамғармадан маблағлар ажратиш тўғрисида тегишли қарор қабул қилинган тақдирда, Жамғарма кенгаши томонидан қарор қабул қилингандан кейин 3 иш куни ичида ариза берувчи хабардор қилинади ва белгиланган маблағ ариза берувчининг аризасида кўрсатилган банк ҳисобварағига 15 иш куни ичида ўтказиб берилади.

20. Ариза берувчи давлат суд-экспертиза муассасаси, нодавлат суд-экспертиза ташкилоти ушбу Низомнинг 7-бандида кўрсатилган тадбирлар амалга оширилгандан сўнг тасдиқловчи ҳужжатларни 15 иш куни ичида Жамғарма кенгашига тақдим этиши шарт.

21. Давлат суд-экспертиза муассасаси, нодавлат суд-экспертиза ташкилотидан ўзлаштирилмасдан қолган маблағ ҳамда ажратилган йўналишдан бошқа мақсадларга сарфланган маблағ тўлиқ ҳажмда давлат суд-экспертиза муассасаси, нодавлат суд-экспертиза ташкилоти томонидан Жамғармага қайтарилади.

4-боб. Жамғармани бошқариш

22. Жамғармани бошқариш ва унинг маблағларини мақсадли тақсимлаш Жамғарма кенгаши томонидан амалга оширилади. Унга Ўзбекистон Республикаси адлия вазири ўринбосари раҳбарлик қилади ва Жамғарма кенгашининг раиси ҳисобланади.

Жамғарма кенгаши Ўзбекистон Республикаси адлия вазинининг буйруғи билан камида етти нафар аъзодан иборат таркибда тасдиқланади ва вазир ўринбосарлари, вазирликнинг тегишли таркибий бўлинмалари бошлиқлари, манфаатдор вазирлик ва идораларнинг вакиллари ҳамда давлат суд-экспертиза муассасалари ва нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари раҳбарларидан шакллантирилади.

Жамғарма кенгаши ўз фаолиятини мазкур Низомга мувофиқ амалга оширади. Жамғарма кенгаши аъзолари Жамғарма бошқарувидаги ўз мажбуриятларини жамоатчилик асосида бажаради.

Жамғарма кенгаши мажлиси аъзоларнинг ярмидан кўпи қатнашган тақдирда ваколатли ҳисобланади. Кўриб чиқиладиган масалалар бўйича қарорлар оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади. Қабул қилинган қарор баённома шаклида расмийлаштирилади ва Жамғарма кенгашининг раиси томонидан имзоланади.

23. Жамғарма кенгаши мажлиси ҳар ярим йилликда ўтказилади, шунингдек, зарур бўлганда навбатдан ташқари мажлислар ҳам ўтказилиши мумкин.

24. Ишчи орган:

Жамғармадан ажратилган маблағлардан фойдаланилишини назорат қилади ва унинг мониторингини амалга оширади;

ҳар йил якунида бир маротаба Жамғарма кенгашига Жамғарма маблағларидан фойдаланилиши бўйича ҳисобот тақдим этади;

Жамғарма кенгашининг қарорларига асосан Жамғарма фаолияти билан боғлиқ бошқа ишларни амалга оширади.

5-боб. Жамғарма маблағларидан фойдаланиш юзасидан ҳисоб ва ҳисобот ҳамда назорат

25. Жамғарма маблағларидан фойдаланиш бўйича ҳисоб-китоблар алоҳида ғазна ҳисобварақлари орқали юритилади.

26. Жамғарманинг даромадлар ва харажатлар сметаларини бюджет ташкилотларининг харажатлар сметалари учун белгиланган тартибда тузилади ва Жамғарма кенгаши томонидан тасдиқланади.

27. Жамғарманинг даромадлари ва харажатлари сметаларининг бажарилиши бўйича йиллик ҳисобот Жамғарма кенгаши мажлисида кўриб чиқилади ва тасдиқланади ҳамда Адлия вазирлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилади.

28. Жамғарма ишчи органи томонидан Жамғарма маблағларидан фойдаланиш, шу жумладан, Жамғарма даромадлари ва харажатлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартиб ва муддатларда Адлия вазирлигининг умумий ҳисоботлари доирасида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига ҳисобот топширилади.

6-боб. Якунловчи қоидалар

29. Жамғарма кенгаши аъзолари Жамғарма маблағларининг мақсадли ва самарали тақсимланиши учун жавоб беради.

30. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил 13 декабрдаги 705-сон қарорига
З-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Судьяларга, суд органлари ходимларига, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси, прокуратура органлари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти, давлат солиқ хизмати ва давлат божхона хизмати органлари ходимларига имтиёзли шартларда уй-жой сотиб олишга узок муддатли ипотека кредитлари бериш тартиби тўғрисидаги низомни ҳамда Судьяларга, суд органлари ходимларига, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси, прокуратура органлари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти, давлат солиқ хизмати ва давлат божхона хизмати органлари ходимларига уй-жойларни ижарага олганлик (ижарага турганлик) учун ҳар ойлик пул компенсацияси тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2012 йил 31 октябрдаги 312-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2012 й., 10-сон, 78-модда):

а) муқаддима «ПФ–5147-сон» сўзларидан кейин ««Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 12 апрелдаги ПФ–5414-сон,» сўзлари билан тўлдирилсин;

б) 1-банднинг учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Судьяларга, суд органлари ходимларига, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси, прокуратура органлари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти, давлат солиқ хизмати ва давлат божхона хизмати органлари ходимларига уй-жойларни ижарага олганлик (ижарага турганлик) учун ҳар ойлик пул компенсацияси тўлаш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин»;

в) 1-иловада:

1-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. Мазкур Низом «Ипотека тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2012 йил 2 августдаги ПФ–4459-сон, «Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 18 июлдаги ПФ–5116-сон, «Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 10 августдаги ПФ–5147-сон, «Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 12 апрелдаги ПФ–5414-сон, «Суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд

хокимияти органларига ишончни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 13 июлдаги ПФ–5482-сон фармонларига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ходимларини моддий рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2013 йил 13 ноябрдаги ПҚ–2065-сон, «Судлар ва адлия органлари фаолиятини моддий-техник ва молиявий таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида» 2017 йил 23 августдаги ПҚ–3240-сон қарорларига мувофиқ тижорат банклари томонидан судьяларга, Конституциявий суд, Судьялар олий кенгаши, Олий суд, қўйи судлар аппаратлари, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти ва унинг ҳудудий бўлимлари (кейинги ўринларда суд органлари деб аталади) ходимларига, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси, прокуратура органлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти (кейинги ўринларда прокуратура органлари деб аталади) ва давлат солиқ хизмати ва давлат божхона хизмати органлари ходимларига имтиёзли шартларда уй-жой сотиб олишга узоқ муддатли ипотека кредити бериш тартибини белгилайди.

Ушбу Низомнинг амал қилиши судьяларга, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди судьяларига (кейинги ўринларда судьялар деб аталади), суд органлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси, прокуратура, давлат солиқ хизмати ва давлат божхона хизмати органлари ходимларига нисбатан татбиқ этилади;

10-банднинг иккинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Кўрсатиб ўтилган маблағлар тижорат банкида судьянинг, суд органлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси, прокуратура, давлат солиқ хизмати ва давлат божхона хизмати органлари ходимининг номига миллий валютада очилган жамғарма ҳисоб рақамида бўлиши керак»;

II бобнинг номи қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«II. Судьяларнинг ва суд органлари ходимларининг дастлабки бадални олиши, уни бериш ва қайтариш тартиби»;

11-банддаги «судьянинг суд органлари, ходимининг» сўзлари «судьянинг, суд органлари ходимининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

19⁹-банддаги «солиқ» сўзи «божхона» сўзи билан алмаштирилсин;

20-бандда:

учинчи ва тўртинчи хатбошилардаги «Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси прокуратура» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси, прокуратура» сўзлари билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«судьяни лавозимга тайинлаш (сайлаш), Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси ходимларини лавозимга тайинлаш тўғрисидаги тегишли қарорнинг, суд органлари, прокуратура, давлат солиқ хизмати ва давлат божхона хизмати органлари ходимларини лавозимга тайинлаш тўғрисидаги буйруқнинг нусхалари»;

23-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси прокуратура» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси, прокуратура» сўзлари билан алмаштирилсин;

26-бандда:

иккинчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси прокуратура, давлат солиқ хизмати ва давлат божхона хизмати органлари ходимлари» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси, прокуратура, давлат солиқ хизмати ва давлат божхона хизмати органлари ходимларини» сўзлари билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошидаги «ипотека тўғрисида шартнома, шунингдек кредит шартномаси» сўзлари «ипотека тўғрисида шартномани, шунингдек кредит шартномасини» сўзлари билан алмаштирилсин;

28-банддаги «судья, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси, суд органлари,» сўзлари «судья, суд органлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси,» сўзлари билан, «судьянинг, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси, суд органлари,» сўзлари «судьянинг, суд органлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси,» сўзлари билан алмаштирилсин;

30-банднинг биринчи хатбошидаги «суд органлари Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси,» сўзлари «суд органлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси,» сўзлари билан алмаштирилсин;

32-банддаги «органлари ходимлари» сўзлари «ходимлари» сўзи билан алмаштирилсин;

г) 2-иловада:

номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Судьяларга, суд органлари ходимларига, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси, прокуратура органлари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти, давлат солиқ хизмати ва давлат божхона хизмати органлари ходимларига уй-жойларни ижарага олганлик (ижарага турганлик) учун ҳар ойлик пул компенсацияси тўлаш тартиби тўғрисидаги НИЗОМ»;

1-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2012 йил 2 августдаги ПФ–4459-сон, «Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 18 июлдаги ПФ–5116-сон, «Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 10 августдаги ПФ–5147-сон, «Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 12 апрелдаги ПФ–5414-сон, «Суд-ҳуқуқ тизимини яна-

да такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 13 июлдаги ПФ–5482-сон фармонларига, шунингдек «Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ходимларини моддий рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2013 йил 13 ноябрдаги ПҚ–2065-сон, «Судлар ва адлия органлари фаолиятини моддий-техник ва молиявий таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида» 2017 йил 23 августдаги ПҚ–3240-сон қарорларига мувофиқ судьяларга, Конституциявий суд, Судьялар олий кенгаши, Олий суд, қуйи судлар аппаратлари, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти ва унинг ҳудудий бўлимлари (кейинги ўринларда суд органлари деб аталади) ходимларига, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси, прокуратура органлари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти (кейинги ўринларда прокуратура органлари ходимлари деб аталади), давлат солиқ хизмати ва давлат божхона хизмати органлари ходимларига уй-жойларни ижарага олганлик (ижарада турганлик) учун ҳар ойлик пул компенсацияси тўлаш тартибини белгилайди»;

Ушбу Низомнинг амал қилиши судьяларга, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди судьяларига (кейинги ўринларда судьялар деб аталади), суд органлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси, прокуратура, давлат солиқ хизмати ва давлат божхона хизмати органлари ходимларига нисбатан татбиқ этилади»;

2-бандда:

биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2. Уй-жойларни ижарага олганлик (ижарада турганлик) учун ҳар ойлик пул компенсацияси (кейинги ўринларда пул компенсацияси деб аталади) уй-жойлар билан таъминланмаган судьяларга, суд органлари ходимларига, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси, прокуратура органлари ходимларига, давлат солиқ хизмати ва давлат божхона хизмати органлари ходимларига амалдаги сарф-харажатлар доирасида (коммунал хизматлар ҳақи бундан мустасно), лекин:»;

бешинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Оила аъзолари уч киши ва ундан ортиқ бўлган тақдирда (судьянинг, суд органлари ходимининг, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси, прокуратура органлари ходимларининг, давлат солиқ хизмати ва давлат божхона хизмати органлари ходимларининг ўзини ҳисобламаган ҳолда) ушбу пул компенсацияси миқдорлари 50 фоизга оширилади. Бунда судьяни тайинлаш (сайлаш), суд органлари ходимини, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси, прокуратура органлари ходимларини, давлат солиқ хизмати ва давлат божхона хизмати органлари ходимларини тайинлаш жойига келган оила аъзолари: хотини (эри), уларнинг болалари ва ота-оналари, шунингдек қонунчиликка мувофиқ ижарага олувчининг оила аъзолари деб эътироф этилган бошқа шахслар ҳисобга олинади»;

3-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3. Судьяга, суд органлари ходимларига, Ўзбекистон Республикаси Ҳи-

соб палатаси, прокуратура органлари ходимларига, давлат солиқ хизмати органлари ва давлат божхона хизмати органлари ходимларига пул компенсацияси тўлаш судья тайинланган (сайланган) жойга келгандан, суд органлари ходимлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси, прокуратура органлари ходимлари, давлат солиқ хизмати органлари ва давлат божхона хизмати органлари ходимлари тайинланган жойга келгандан кейин уй-жой ижарага олинган (ижарада турган) кундан бошлаб белгиланган тартибда расмийлаштирилган уй-жойни ижарага олиш (ижарада туриш) шартномаси асосида амалга оширилади. Судьяга тайинланган (сайланган) жойида, суд органлари ходимида, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси, прокуратура ходимларига, давлат солиқ хизмати ва давлат божхона хизмати органлари ходимларига тайинланган жойида хизмат уй-жой майдони берилган тақдирда ёки у уй-жой сотиб олганда, унинг ваколатлари тўхтатилганда ва тугаганда пул компенсацияси тўлаш тўхтатилади»;

5-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«5. Тайинланган (сайланган) жойида ота-оналари ёки эри (хотини)нинг ота-оналари уй-жойларида бирга яшаётган судьяларга, тайинланган жойида ота-оналари ёки эри (хотини)нинг ота-оналари уй-жойларида бирга яшаётган суд органлари ходимларига, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси, прокуратура органлари ходимларига, давлат солиқ хизмати ва давлат божхона хизмати органлари ходимларига пул компенсацияси тўланмайди»;

6-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«6. Судья, суд органлари ходимлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси, прокуратура органлари ходимлари, давлат солиқ хизмати ва давлат божхона хизмати органлари ходимлари пул компенсациясини олиш учун вақтинча яшаш жойини ва уй-жойни ижарага олганлик (ижарада турганлик) учун коммунал хизматлар қийматсиз амалдаги харажатлар суммасини кўрсатган ҳолда тегишли орган раҳбарига ариза беради»;

7-банднинг иккинчи хатбошисидаги «прокуратура,» сўзи «прокуратура органлари ходимларига» сўзлари билан алмаштирилсин;

9 ва 10-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«9. Пул компенсацияси миқдорини аниқлашда ҳисобга олинadиган оила таркиби ўзгарган тақдирда, судьянинг, суд органлари ходимининг, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси, прокуратура органлари ходимларининг, давлат солиқ хизмати ва давлат божхона хизмати органлари ходимларининг оила таркиби ўзгарганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхалари илова қилинган пул компенсацияси миқдорини қайта кўриб чиқиш тўғрисидаги аризаси асосида янги миқдорлардаги пул компенсацияси белгиланган тартибда ушбу ўзгаришлар бошланган кундан бошлаб тўланади.

10. Судья, суд органлари ходими, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси, прокуратура органлари ходимлари, давлат солиқ хизмати ва давлат божхона хизмати органлари ходимлари томонидан ортиқча олинган пул компенсацияси суммаси қонунчиликда белгиланган тартибда иш ҳақидан ушлаб қолиш йўли билан тўлиқ миқдорда ундан ундириб олинади»;

11-банднинг биринчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«11. Ушбу Низомга мувофиқ судьяларга, суд органлари ходимларига, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси, прокуратура органлари ходимларига пул компенсацияси тўлаш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобига амалга оширилади».

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х. Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда суд экспертларининг малакасини ошириш тизимини ташкил қилиш тўғрисида» 2017 йил 13 апрелдаги 206-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2017 й., 4-сон, 45-модда) 2-банди иккинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тизимидаги суд экспертларининг малакасини ва ҳуқуқий билимларини, шунингдек, давлат ва нодавлат ташкилотларининг сўровига асосан бошқа суд экспертларининг ҳуқуқий билимларини ошириш бўйича ўқув жараёнини ташкил қилиш».

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 27 июндаги 531-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2019 й., 6-сон, 139-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш марказининг устави 15-банди ўн иккинчи хатбошисидаги «тариф ставкасининг» сўзлари «лавозим маошининг» сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 24 мартдаги 180-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2020 й., 3-сон, 69-модда) билан тасдиқланган Нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари суд экспертларини қайта тайёрлаш, малакаси ва ҳуқуқий билимини ошириш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 29-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«29. Тингловчилар ўқув жараёнидан қўйидаги ҳолатларда давлат муассасаси раҳбарининг буйруғи билан четлаштирилади:

давлат муассасасининг ички тартиб-қоидаларини бузганлик учун;

узрли сабабларсиз 24 академик соатдан кўп ўқув машғулотларини қолдирганлик учун;

ўз аризасига асосан;

суд томонидан озодликдан маҳрум этилганлиги муносабати билан;

вафот этганлиги сабабли»;

б) 34-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

қўйидаги мазмундаги иккинчи хатбошиси қўшилсин:

«34. Суд экспертларини қайта тайёрлаш курси бўйича якуний аттестациядан муваффақиятли ўтган суд экспертларига ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ намунадаги суд эксперти сифатида касбий лаёқатни тасдиқловчи сертификат берилади.

Якуний имтиҳондан муваффақиятли ўтган ва касбий лаёқатни тасдиқловчи сертификатга эга бўлган тингловчилар қонунчиликда белгилаган тартибда давлат ва нодавлат суд-экспертиза ташкилотларида суд эксперти сифатида меҳнат фаолиятини олиб бориши мумкин.

Нодавлат суд-экспертиза ташкилотларининг суд экспертлари баҳолаш

Йўналишидаги суд экспертизаси турларини амалга оширишда суд экспертизаларини ўтказиш ҳуқуқини берувчи тегишли сертификатга эга бўлганда, улардан баҳоловчининг малака сертификати талаб қилинмайди.

Нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари суд экспертларига суд эксперти сифатида касбий лаёқатни тасдиқловчи сертификат Низомга 2-иловага мувофиқ тартибда берилади.

Яқуний аттестация топширган тингловчи аттестациядан ўта олмаган ҳолларда аттестация ўтказилган кундан уч ой ўтгандан кейин умумий тартибда қайта аттестация топширишга ҳақли.

Қайта яқуний аттестациядан ҳам ўта олмаган тингловчиларга суд эксперти сифатида касбий лаёқатни тасдиқловчи сертификат ўрнига суд экспертларини қайта тайёрлаш бўйича курсларда таҳсил олганлиги ҳақида маълумотнома берилади.

Суд эксперти сифатида касбий лаёқатни тасдиқловчи сертификат беришни рад этиш асослари суд экспертиза турлари бўйича таълим дастурларида белгиланади.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тизимидаги таълим муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2021 йил 22 ноябрдаги 705-сон қарорининг 3-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2021 й., 11-сон, 235-модда) бешинчи хатбошисида «харажатларни қоплаш» сўзларидан кейин «, фаолиятини ташкил этиш ва доимий равишда молиявий қўллаб-қувватлаш» сўзлари билан тўлдирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

**459 Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчиларга
субсидия бериш ахборот тизимини жорий қилиш чо-
ра-тадбирлари тўғрисида***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Рақамли Ўзбекистон — 2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 5 октябрдаги ПФ–6079-сон Фармони ижросини таъминлаш, шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ҳамда субсидия бериш жараёнларини тўлиқ автоматлаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги ПФ–6079-сон Фармони билан тасдиқланган «Рақамли Ўзбекистон — 2030» стратегияси доирасида 2020 — 2022 йилларда қишлоқ, сув ва ўрмон хўжалиги соҳаларини рақамли трансформация қилиш дастурида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчиларга субсидиялар бериш бўйича материалларни тўплаш, кўриб чиқиш ва ваколатли органлар ва ташкилотлар билан келишишнинг ягона ахборот тизимини жорий қилиш вазифаси назарда тутилганлиги;

юқоридаги вазифа ижроси юзасидан Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва субсидия бериш жараёнларини тўлиқ автоматлаштиришга қаратилган «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчиларга субсидия бериш» ахборот тизими (кейинги ўринларда — «Агросубсидия» ахборот тизими) ишлаб чиқилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги «Агросубсидия» ахборот тизими хизматларини кенгайтириш, ушбу тизим орқали давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмалари томонидан субсидиялаш хизматлари ўз вақтида кўрсатилиши юзасидан назорат олиб борадиган, мазкур тизим бўйича ишларни мувофиқлаштирадиган масъул давлат органи этиб белгилансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги «Агросаноатни рақамлаштириш маркази» давлат муассасаси «Агросубсидия» ахборот тизимининг оператори этиб белгилансин ва унга қуйидаги қўшимча вазифалар юклансин:

«Агросубсидия» ахборот тизимига кириш ва тизимда ишлашда ундан фойдаланувчиларга амалий ёрдам кўрсатиш;

«Агросубсидия» ахборот тизимида маълумотлар билан алмашиш учун Молия вазирлигининг Давлат имтиёзлари ягона электрон платформаси (subsidiya.mf.uz) ва «UzASBO» дастурий мажмуаси ҳамда бошқа давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмаларининг ахборот тизимлари билан ўзаро интеграциялашувини амалга ошириш;

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 19 декабрда эълон қилинган.

«Агросубсидия» ахборот тизими ёрдамида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва субсидия олишга талабгорларнинг (кейинги ўринларда — талабгорлар) субсидия бериш тўғрисидаги аризалари ваколатли давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмалари томонидан кўриб чиқирилиши ва ижрога йўналтирилишини автоматлаштириш;

«Агросубсидия» ахборот тизими орқали қишлоқ хўжалиги соҳасида берилаётган субсидия тўғрисида очиқ ва шаффоф статистика маълумотларини ҳамда уларнинг ягона электрон архивини шакллантириш.

4. Қуйидагиларни назарда тутувчи «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчиларга субсидия бериш» ахборот тизими тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

«Агросубсидия» ахборот тизимидан фойдаланиш тартиби, тизим оператори, тизимдан фойдаланувчи талабгорлар ҳамда масъул ташкилотларнинг мажбуриятлари ва ҳуқуқлари;

талабгорлар томонидан субсидия ажратилиши белгиланган йўналишлар бўйича манзилли рўйхатга кириш ва субсидия олиш учун ахборот тизими орқали ариза юбориш тартиби;

субсидия ажратилиши белгиланган йўналишлар бўйича талабгорлардан тушган аризаларнинг ваколатли давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмалари томонидан кўриб чиқирилиши, ҳужжатларни электрон шаклда юритиш ҳамда ариза бўйича хулоса бериш тартиби.

5. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Боғдорчилик ва иссиқхона хўжаликларини ривожлантириш агентлиги ҳамда Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши «Агросубсидия» ахборот тизими орқали ушбу қарорга 2-иловада келтирилган рўйхат бўйича қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчиларга холислик ва шаффофлик тамойиллари асосида субсидия бериш чораларини кўрсин.

6. Белгилансинки, 2022 йил 20 декабрдан бошлаб:

талабгорлар томонидан пахта, дон ва дуккакли, сабзавот, картошка, полиз, мойли ва озуқабоп экинлар, доривор ўсимликлар ва хўраки узум маҳсулотларини етиштиришда, мевали боғлар барпо қилишда ҳамда сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш харажатларининг бир қисмини қоплаш бўйича субсидия олиш учун аризалар «Агросубсидия» ахборот тизими орқали юборилади;

талабгорларнинг ушбу қарорга 2-иловада келтирилган рўйхат бўйича субсидия олиш учун тақдим этган аризалари субсидия бериш йўналишларига мувофиқ Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги ҳамда Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг туман, вилоят ва республика ишчи гуруҳлари томонидан «Агросубсидия» ахборот тизими орқали қабул қилинади, кўриб чиқилади ва ижрога йўналтирилади.

7. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги:

«Агросубсидия» ахборот тизимини жорий этиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўйича давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмалари ҳамда деҳқон, фермер хўжаликлари ва кластерлар учун доимий равишда «Агросубсидия» ахборот тизимидан фойдаланиш бўйича мавзули семинарлар ташкил этиш чораларини кўрсин;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда 2022 йил якунига қадар Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг «Геоахборот» тизимига республика бўйича жорий этилган сувни тежайдиган технологиялар ҳақидаги маълумотлар харитада жойлашган жойи ва тегишли геоахборот маълумотлари доимий янгиланган ҳолда киритиб борилишини таъминласин.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар (Кувасой шаҳри) ҳокимликлари, тегишли вазирликлар ва идоралар 2022 йил 20 декабрга қадар субсидия бериш жараёнларида иштирок этувчи барча ташкилотларни «Агросубсидия» ахборот тизимига улаш чораларини кўрсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Ш.М. Фаниев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 16 декабрь,
711-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил 16 декабрдаги 711-сон қарорига
1-ИЛОВА

**«Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчиларга
субсидия бериш» ахборот тизими тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчиларга субсидия бериш» ахборот тизимидан (кейинги ўринларда — «Агросубсидия» ахборот тизими) фойдаланиш, шунингдек, «Агросубсидия» ахборот тизими орқали қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва субсидия олишга талабгорларнинг (кейинги ўринларда — талабгорлар) аризаларини кўриб чиқиш ва уларга субсидия ажратиш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

ариза — талабгорлар томонидан манзилли рўйхатга кириш ва сарфланган харажатлар бир қисмини қоплаш учун субсидия ажратиш тўғрисида тақдим этилган электрон ариза;

ахборот тизими (АТ) — ахборотни тўплаш, сақлаш, излаш, унга ишлов бериш ҳамда ундан фойдаланиш имконини берадиган, ташкилий жиҳатдан тартибга солинган ахборот ресурслари жамланмаси, ахборот технологиялари ва алоқа воситалари;

ахборот тизими иштирокчиси — талабгорлардан тушган аризаларни кўриб чиқувчи ҳамда улар бўйича хулоса берувчи давлат бошқаруви органлари ва бошқа ташкилотлар, уларнинг худудий, туман (Қувасой шаҳри) ишчи гуруҳлари;

ахборот тизими фойдаланувчиси — манзилли рўйхатга кириш ёки субсидия олиш учун ариза тақдим этган талабгорлар;

ваколатли органлар — субсидиялаш хизматларини кўрсатувчи ҳамда субсидия бериш учун масъул бўлган давлат органлари ва бошқа ташкилотлар;

манзилли рўйхат — қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш учун ажратиладиган субсидияларни олиш учун қўйилган талаблар ва ишларни бажарувчи талабгорлар рўйхати;

оммавий оферта — субсидиялаш хизматлари орқали тизимдан фойдаланиш бўйича хизмат кўрсатиш шартномасини тузиш юзасидан талабгорларга билдирилган расмий таклиф;

субсидия — товарлар ишлаб чиқариш, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш ва уларни реализация қилишни молиялаштириш ёки биргаликда молиялаштириш ёхуд мақсадли харажатларнинг ўрнини қисман қоплаш учун бюджет тизими бюджетлари ҳисобидан юридик ва жисмоний шахсларга бериладиган пул маблағлари;

талабгорлар — субсидия олиш учун мурожаат қилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар;

талабгорни аутентификациялаш — аввал идентификация қилинган фойдаланувчидан реал вақт режимида олинган дастлабки идентификация маълумотлари билан автоматлаштирилган ҳолда (инсон омилисиз) солиштириш орқали фойдаланувчининг шахсини текшириш ва тасдиқлаш жараёни;

туман (Қувасой шаҳри) ишчи гуруҳи — субсидия ажратиш йўналиши бўйича ваколатли органларга субсидия ажратишга кўмаклашувчи, амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатга мувофиқ туман давлат бошқаруви ҳамда хўжалик бирлашмалари вакилларида иборат ишчи гуруҳ;

фойдаланувчиларни идентификациялаш — шахсий маълумотлар ёрдамида фойдаланувчининг шахсини тасдиқлаб, масофадан туриб субсидиялаш хизматларидан фойдаланиш имконини яратувчи механизм;

худудий ишчи гуруҳ — субсидия ажратиш йўналиши бўйича ваколатли органларга субсидия ажратишга кўмаклашувчи, амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатга мувофиқ маҳаллий давлат бошқаруви органлари ва бошқа ташкилотлар вакилларида иборат ишчи гуруҳ;

хулоса — ваколатли органлар томонидан субсидия ажратилиши мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги ҳақида талабгорларга юбориладиган электрон (QR-код бириктирилган) ҳужжат;

электрон рақамли имзо — электрон ҳужжатдаги ахборотни электрон рақамли имзонинг ёпиқ калитидан фойдаланган ҳолда махсус ўзгартириш натижасида ҳосил қилинган ҳамда электрон рақамли имзонинг очиқ калити ёрдамида электрон ҳужжатдаги ахборотда хатолик йўқлигини аниқлаш ва электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг эгасини идентификациялаш имконини берадиган имзо;

«Электрон ҳукумат» тизими фойдаланувчиларни идентификациялашнинг ягона ахборот тизими (id.egov.uz) — жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳақиқий идентификациялаш, шунингдек, идоралараро электрон ҳамкорликда мансабдор шахсларнинг ахборот тизимлари ва маълумотлар базаларидан рухсат олиб фойдаланишини таъминловчи давлат ахборот тизими;

QR-код — (матрик штрихли код) такрорланмас бўлиб, унинг ичига ариза ваколатли органлар томонидан кўриб чиқилиши натижалари тўғрисидаги электрон хулосаларга интернет тармоғи орқали ҳавола жойлаштирилади;

«UzASBO» ДМ — бюджет ташкилотлари томонидан бюджет ҳисоби ва ҳисоботи юритилишини комплекс автоматлаштириш учун мўлжалланган дастурий мажмуа.

3. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги «Агросаноатни рақамлаштириш маркази» давлат муассасаси «Агросубсидия» АТнинг оператори ҳисобланади.

4. «Агросубсидия» АТнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

талабгорлар томонидан субсидия олиш учун аризалар электрон шаклда юборилишини ҳамда ушбу хизматдан хавфсиз ва кафолатли фойдаланишни таъминлаш;

талабгорларга уларнинг манзилли рўйхатга кириши ёки субсидия олиш учун юборилган аризаларни кўриб чиқишнинг ҳолатини ва босқичларни кўриб бориш имкониятини яратиш;

талабгорларга улар томонидан юборилган аризалар ваколатли давлат бошқаруви органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан кўриб чиқилиши натижаларини (хулосалар) кузатиб боришни таъминлаш;

ваколатли органлар томонидан талабгорлар юборган аризаларни кўриб чиқиш ва уларга электрон шаклда хулоса бериш.

5. Қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларни қўллаб-қувватлаш учун субсидиялар «Агросубсидия» ахборот тизими орқали берилади.

6. «Агросубсидия» ахборот тизими орқали бериладиган субсидия турларига қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларни қўллаб-қувватлаш учун бериладиган субсидияларни ажратиш билан боғлиқ қонунчилик ҳужжатлари қабул қилиниши муносабати билан қўшимчалар киритиб борилиши мумкин.

7. Янги турдаги субсидияларни «Агросубсидия» ахборот тизими орқали

бериш Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, ахборот тизими оператори ҳамда ваколатли давлат органлари ўртасидаги келишув асосида амалга оширилади.

2-боб. «Агросубсидия» ахборот тизими орқали аризани юбориш тартиби

8. Талабгорларни «Агросубсидия» ахборот тизимида фойдаланувчи сифатида рўйхатга олиш, идентификациялаш ва аутентификациялаш «Электрон ҳукумат» тизими фойдаланувчиларини идентификациялашнинг ягона ахборот тизими (id.egov.uz) орқали амалга оширилади.

9. Манзилли рўйхатга кириш учун ариза юборишда:

талабгорлар «Агросубсидия» ахборот тизимида кўрсатилган оммавий оферта билан танишган ҳолда шахсига доир маълумотларни қайта ишлаш орқали субсидиялаш хизматларидан фойдаланишга розилик билдиради ёки рад этади;

талабгорлар аризани Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда — ЯИДХП) ёки бевосита «Агросубсидия» ахборот тизимига кириш орқали юборади. Талабгорлар аризани қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ва ахборот тизимида жойлаштирилган шаклга мувофиқ тўлдирган ҳолда электрон шаклда юборади. Бунда ариза билан мурожаат қилганлик ҳамда аризининг ваколатли давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан кўриб чиқилганлиги учун тўлов ундирилмайди;

талабгор ариза билан бирга тақдим этилган ҳужжатлар ва уларда кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилиги ва ҳаққонийлиги учун шахсан жавобгар ҳисобланади ҳамда аризани электрон рақамли имзоси орқали тасдиқлайди;

«Агросубсидия» ахборот тизимига келиб тушган ҳар бир аризага ноёб рақам (идентификация рақами) рақами бириктирилади;

талабгорларга улар томонидан юборилган аризининг ҳолати ҳақидаги маълумот «Агросубсидия» ахборот тизимига аризининг ноёб рақами киритилиши орқали ёки талабгорларнинг ахборот тизимидаги шахсий кабинети орқали тақдим этилади;

талабгорлар юборган ариза ваколатли органлар томонидан қонунчилик ҳужжатлари талаблари ва муддатларига мувофиқ кўриб чиқилади;

аризаларни кўриб чиқиш натижаси бўйича хулоса субсидия турига қараб қонунчилик ҳужжатларга мувофиқ расмийлаштирилади;

ариза ўз вақтида кўриб чиқилмаганда, муддатидан ўтган ариза ҳақидаги хабарномалар «Агросубсидия» ахборот тизимида субсидиялаш хизматлари жорий қилинган ваколатли давлат бошқаруви органлари ва бошқа ташкилотлар шахсий кабинетларида акс эттирилади ва мониторинги олиб борилади.

10. Субсидия олиш учун ариза юборишда:

талабгорлар «Агросубсидия» АТда кўрсатилган оммавий оферта билан танишган ҳолда шахсига доир маълумотларни қайта ишлаш орқали субсидиялаш хизматларидан фойдаланишга розилик билдиради ёки рад этади;

талабгорлар норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабидан келиб чиқиб суб-

сидия ажратиш учун аризани қонунчилик ҳужжатларида келтирилган ва «Агросубсидия» АТда жойлаштирилган шакл асосида тўлдирган ҳолда ЯИДХП ёки бевосита «Агросубсидия» АТга кириш орқали электрон шаклда юборди. Бунда талабгорлар томонидан ариза юбориш ҳамда ваколатли давлат бошқаруви органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан ариза кўриб чиқилиши учун тўлов ундирилмайди;

талабгорлар ариза юбориш жараёнида тақдим этилган ҳужжатлар ва уларда кўрсатилган маълумотларнинг ишончилиги ва ҳаққонийлиги учун шахсан жавобгар ҳисобланади ҳамда аризани электрон рақамли имзоси орқали тасдиқлайди;

тизимга келиб тушган ҳар бир аризага ноёб рақам (идентификация рақами) бириктирилади;

талабгорларга улар томонидан юборилган аризанинг ҳолати ҳақидаги маълумот «Агросубсидия» АТга аризанинг ноёб рақами киритилиши орқали ёки талабгорларнинг ахборот тизимидаги шахсий кабинети орқали тақдим этилади;

талабгорлар юборган ариза ваколатли органлар томонидан қонунчилик ҳужжатлари талабларига мувофиқ ва уларда белгиланган муддатларда кўриб чиқилади;

талабгорлар аризасини кўриб чиқиш натижаси бўйича хулоса субсидия турига қараб қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ расмийлаштирилади;

субсидия бериш тўғрисидаги хулоса шакли субсидия турига қараб қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланган шаклда махсус QR-код билан тасдиқланган ҳолда расмийлаштирилади;

талабгорнинг аризаси ўз вақтида кўриб чиқилмаган тақдирда, муддатидан ўтган аризалар ҳақидаги хабарномалар «Агросубсидия» АТда субсидиялаш хизматлари жорий қилинган ваколатли органларнинг шахсий кабинетларида акс этирилади ва мониторинги олиб борилади.

3-боб. «Агросубсидия» ахборот тизими орқали тушган аризаларни кўриб чиқиш ва хулоса бериш тартиби

11. Ваколатли давлат бошқаруви органлари ва бошқа ташкилотлар ҳамда уларнинг туман (Қувасой шаҳри) ҳудудий ишчи гуруҳлари аъзоларига «Электрон ҳукумат» тизими фойдаланувчиларини идентификациялашнинг ягона ахборот тизими (id.egov.uz)да рўйхатга олинган маълумотлари (логин) асосида тизим оператори томонидан ахборот тизимидаги тегишли ваколатлари белгиланади.

12. Ваколатли давлат бошқаруви органлари ва бошқа ташкилотлар ҳамда уларнинг ҳудудий, туман (Қувасой шаҳри) ишчи гуруҳлари аъзоларига «Агросубсидия» ахборот тизимидаги тегишли ваколатларни белгилаш учун тизим операторига ишчи гуруҳлар аъзоларининг «id.egov.uz» тизимидаги маълумотлари (логинни) илова қилинган ҳолда расмий равишда мурожаат этилади.

13. Ваколатли давлат бошқаруви органлари ва бошқа ташкилотлар ҳамда уларнинг ҳудудий, туман (Қувасой шаҳри) ишчи гуруҳлари аъзолари талабгорлар томонидан юборилган аризани «Агросубсидия» ахборот тизими орқа-

ли қабул қилади, субсидия туридан келиб чиқиб амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан белгиланган талаб, муддат ва босқичларга мувофиқ кўриб чиқади.

14. Талабгорлар томонидан юборилган аризага ҳулоса ваколатли давлат бошқаруви органлари ва бошқа ташкилотлар ҳамда уларнинг ҳудудий, туман (Қувасой шаҳри) ишчи гуруҳлари аъзолари томонидан электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳолда тақдим этилади. Субсидия ажратиш тўғрисидаги ҳулоса шакли субсидия турига қараб қонунчилик ҳужжатларида белгиланган шаклдаги махсус QR-код билан тасдиқланган ҳолда расмийлаштирилади.

15. Талабгорларнинг аризасини кўриб чиқиш натижаси бўйича ҳулоса субсидия турига қараб қонунчилик ҳужжатларида белгиланган таркибдаги ишчи гуруҳларнинг қарор қабул қилувчи асосий аъзолари томонидан электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳолда расмийлаштирилади.

16. Талабгорларнинг аризасини ваколатли давлат бошқаруви органлари ва бошқа ташкилотлар ҳамда уларнинг ҳудудий, туман (Қувасой шаҳри) ишчи гуруҳлари томонидан кўриб чиқиш жараёнлари ва талабларнинг барча босқичлари амалга оширилгандан сўнг субсидия турига қараб қонунчилик ҳужжатларига ҳамда қўйидаги ариза турларига мувофиқ:

манзилли рўйхатга кириш учун ариза — субсидия ажратиш мақсадида бюджет параметрларида инобатга олиш учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига «Агросубсидия» ахборот тизими орқали вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар (Қувасой шаҳри) бўйича автоматик тарзда шакллантирилган ҳолда тақдим этилади;

субсидия олиш учун ариза — субсидия турига қараб қонунчилик ҳужжатларида белгиланган молиялаштириш манбаидан келиб чиққан ҳолда субсидия маблағларини ажратиш учун «Агросубсидия» ахборот тизими орқали ваколатли давлат бошқаруви органлари ва бошқа ташкилотларга киритилади.

17. Ваколатли давлат бошқаруви органлари ва бошқа ташкилотлар талабгорларнинг тижорат банкларидаги ҳисобварағига субсидияни «UzASBO» дастурий мажмуаси орқали ўтказиб беради.

18. Ваколатли давлат бошқаруви органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан субсидия бериш муддати субсидия бериш тартибини белгиловчи қонунчилик ҳужжатларида белгиланган муддатларда амалга оширилади.

19. Ваколатли давлат бошқаруви органлари ва бошқа ташкилотлар ҳамда талабгорлар ўртасидаги шартнома тегишли қонунчилик ҳужжатларида белгиланган ҳолларда электрон рақамли имзо орқали имзоланади.

20. Ваколатли давлат бошқаруви органлари ва бошқа ташкилотлар ҳамда уларнинг ҳудудий, туман (Қувасой шаҳри) ишчи гуруҳларининг талабгорлар томонидан юборилган аризаларни кўриб чиқиш натижаси бўйича ҳулоса-си субсидия турига қараб қонунчилик ҳужжатларида белгиланган ҳар бир босқичга мувофиқ талабгорларнинг шахсий кабинетига акс эттирилади.

21. «Агросубсидия» АТ орқали ариза юбориш ва кўриб чиқиш жараёнлари ушбу Низомга иловада* келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

4-боб. Субсидия ажратилишини мониторинг қилиш

22. Ваколатли давлат бошқаруви органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан талабгорларнинг тижорат банкларидаги ҳисобварағига субсидия ўз вақтида ўтказиб берилишини мониторинг қилиш жараёни ахборот тизимида «UzASBO» дастурий мажмуаси орқали ахборот алмашиш йўли билан амалга оширилади.

23. Субсидия бериш ҳақидаги хабар талабгорларнинг шахсий кабинетидан акс эттирилади.

24. Талабгор томонидан субсидия ажратилишида белгиланган талаблар бузилганда ваколатли давлат бошқаруви органлари ва бошқа ташкилотлар субсидия бериш талаблари бузилиши сабабли қайтарилган субсидия маблағлари бўйича маълумотлар «Агросубсидия» ахборот тизимига киритиб борилишини таъминлайди.

25. Мониторинг натижаларига кўра талабгорларнинг аризаси ўз вақтида кўриб чиқилмаган тақдирда, субсидиялаш хизматларини кўрсатувчи ваколатли давлат бошқаруви органлари ва бошқа ташкилотлар ҳамда уларнинг ҳудудий, туман (Қувасой шаҳри) ишчи гуруҳлари аъзоларига қонунчиликда белгиланган тартибда интизомий таъсир чоралари қўлланилади.

5-боб. «Агросубсидия» ахборот тизими оператори ҳамда иштирокчисининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

26. «Агросубсидия» АТ оператори қўйидаги ҳуқуқларга эга:
ахборот тизимига кириш ва ундан фойдаланиш тартибини белгилаш;
ахборот алмашиш учун белгиланган тартибда «Агросубсидия» ахборот тизимининг бошқа ахборот тизимлари билан интеграциялашувни амалга ошириш.

27. «Агросубсидия» ахборот тизими оператори:
қонунчилик ҳужжатларига киритилган ўзгартиришлар асосида тизимни доимий равишда такомиллаштириб бориши;

манфаатдор давлат органлари ва ташкилотлари билан биргаликда тизим модуллари уларнинг ахборот тизимларига интеграциялаштириши;

тизимнинг узлуксиз ишлашини ва ахборот хавфсизлигини таъминлаши;

ваколатли давлат бошқаруви органлари ва ташкилотларни ҳамда тизим фойдаланувчиларини тизимнинг техник носозликлари тўғрисида ўз вақтида хабардор қилиши;

ваколатли давлат бошқаруви органлари ва бошқа ташкилотлар ҳамда уларнинг ҳудудий, туман (Қувасой шаҳри) ишчи гуруҳларининг аъзоларига тизимдан фойдаланиш учун шароитлар яратиб бериши лозим.

«Агросубсидия» ахборот тизимига қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам юкланиши мумкин.

28. Ахборот тизими иштирокчиси қўйидаги ҳуқуқларга эга:

тизимдан мазкур Низом талаблари доирасида фойдаланиш;

тизим операторига субсидия ажратиш жараёнларини мақбуллаштириш бўйича таклифлар киритиш;

зарур ҳолларда талабгорларга тааллуқли қўшимча маълумотларни туман ишчи гуруҳларидан талаб қилиш.

29. Ахборот тизими иштирокчиси:

шахсга доир маълумотларни тарқатмаслиги ва уларни муҳофаза қилиш бўйича зарур чора-тадбирларни ўз вақтида амалга ошириши;

талабгорлар харажатларининг бир қисмини қоплаш учун ажратиладиган субсидиялар белгиланган муддатларда «UzASBO» дастурий мажмуаси орқали талабгорларнинг ҳисобварағига ўтказиб берилишини таъминлаши;

талабгорларга субсидия ажратилиши мақсадга мувофиқлиги ёки мақсадга мувофиқ эмаслиги юзасидан хулосалар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган муддатларда тақдим этилишини таъминлаши;

талабгорлардан тушган савол ва эътирозларни кўриб чиқиш ва жавоб йўллаш учун масъул ходимларни ажратиши шарт.

6-боб. Яқунловчи қондалар

30. «Агросубсидия» ахборот тизими орқали тақдим этиладиган субсидиялар ва уларни тақдим этиш учун асос бўлган қонунчилик ҳужжатлари бўйича маълумотлар ахборот тизимининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар» бўлимида жойлаштириб борилади.

31. Субсидия ажратишда юзага келадиган низолар ва келишмовчиликлар қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал қилинади.

32. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил 16 декабрдаги 711-сон қарорига
2-ИЛОВА

«Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчиларга субсидия бериш» ахборот тизими орқали бериладиган субсидия турлари ва уларни ажратишга масъул бўлган давлат органлари РЎЙХАТИ

Т/р	Бериладиган субсидия турлари	Субсидия маблағи ажратилиши учун масъул ташкилот
1.	Пахта хомашёси етиштиришда томчилатиб суғориш технологиясини жорий этиш учун сарфланган харажатларнинг бир қисмини қоплаш	Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги
2.	Дуккакли экинлар етиштириш учун сувни тежовчи технологияларни жорий этиш учун сарфланган харажатларнинг бир қисмини қоплаш	Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги

3.	Пахта хомашёси етиштиришда дискрет суғориш тизимини жорий этиш учун сарфланган харажатларнинг бир қисмини қоплаш	Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги
4.	Техник экинлар етиштириш учун сувни тежовчи технологияларни жорий этиш учун сарфланган харажатларнинг бир қисмини қоплаш	Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги
5.	Мойли экинлар етиштириш учун сувни тежовчи технологияларни жорий этиш учун сарфланган харажатларнинг бир қисмини қоплаш	Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги
6.	Полиз экинлари етиштириш учун сувни тежовчи технологияларни жорий этиш учун сарфланган харажатларнинг бир қисмини қоплаш	Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги
7.	Сабзавот, кўкатлар ва карам етиштириш учун сувни тежовчи технологияларни жорий этиш учун сарфланган харажатларнинг бир қисмини қоплаш	Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги
8.	Картошка етиштириш учун сувни тежовчи технологияларни жорий этиш учун сарфланган харажатларнинг бир қисмини қоплаш	Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги
9.	Озуқабоп экинлар етиштириш учун сувни тежовчи технологияларни жорий этиш учун сарфланган харажатларнинг бир қисмини қоплаш	Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги
10.	Доривор экинлар етиштириш учун сувни тежовчи технологияларни жорий этиш учун сарфланган харажатларнинг бир қисмини қоплаш	Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги
11.	Донли (ғалла ва ёрмабоп) экинлар етиштириш учун сувни тежовчи технологияларни жорий этиш учун сарфланган харажатларнинг бир қисмини қоплаш	Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги
12.	Катта ҳажмдаги қудуқларни бурғилаш учун сарфланган харажатларнинг бир қисмини қоплаш	Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши
13.	Кичик ҳажмдаги қудуқларни бурғилаш учун сарфланган харажатларнинг бир қисмини қоплаш	Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши
14.	Яроқсиз ерларни фойдаланишга киритиш учун сарфланган харажатларнинг бир қисмини қоплаш	Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши
15.	Данакли мевалар етиштиришда сувни тежовчи технологияларни жорий этиш учун сарфланган харажатларнинг бир қисмини қоплаш	Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги

16.	Уруғли мевалар етиштиришда сувни тежовчи технологияларни жорий этиш учун сарфланган харажатларнинг бир қисмини қоплаш	Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги
17.	Ёнғоқли мевалар етиштиришда сувни тежовчи технологияларни жорий этиш учун сарфланган харажатларнинг бир қисмини қоплаш	Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги
18.	Субтропик мевалар етиштиришда сувни тежовчи технологияларни жорий этиш учун сарфланган харажатларнинг бир қисмини қоплаш	Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги
19.	Узум етиштиришда сувни тежовчи технологияларни жорий этиш учун сарфланган харажатларнинг бир қисмини қоплаш	Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги

Изоҳ. Мазкур рўйхатда кўрсатилган субсидия турларига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш жараёнига субсидия ажратиш тартиби билан боғлиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши билан қўшимча киритиб борилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**460** Қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларини сертификатлаш
ва навдорлигини баҳолаш бўйича давлат хизматлари
кўрсатишни такомиллаштириш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат хизматлари кўрсатиш инфратузилмасини такомиллаштириш ва аҳолининг давлат хизматларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2021 йил 24 июлдаги ПФ–6269-сон Фармони ижросини таъминлаш, шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сертификатлаш ва навдорликни баҳолаш бўйича давлат хизматлари кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат хизматлари кўрсатиш инфратузилмасини такомиллаштириш ва аҳолининг давлат хизматларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2021 йил 24 июлдаги ПФ–6269-сон Фармонига мувофиқ мамлакатимизда фуқаро ва тадбиркорларга давлат хизматлари кўрсатиш тизимини босқичма-босқич ислоҳ қилиб, қулай инвестициявий ва ишбилармонлик муҳитини яратиш, бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ҳамда давлат хизматлари кўрсатиш сифатини тубдан яхшилаш борасида тизимли чора-тадбирлар амалга оширилаётганлиги, хусусан, соҳада олиб борилаётган ислохотлар натижасида 70 дан зиёд давлат хизматлари соддалаштирилганлиги, давлат хизматлари марказлари томонидан қамраб олинган хизматларни кўрсатиш муддати ва талаб этиладиган ҳужжатлар сони ўртача икки баробарга қисқартирилганлиги, шунингдек, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш бўйича ишларни жадаллаштириш, сифатли давлат хизматлари кўрсатишни таъминлаш, турли тоифадаги давлат хизматлари кўрсатиш тизимини рақамлаштириш жараёнини уйғунлаштириш белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагиларни назарда тутувчи:

а) Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясида қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларини сертификатлаш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламенти 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

давлат хизматларидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларига сертификат олиш учун мурожаат қилиш ҳамда мурожаатга кўра давлат хизматларини кўрсатиш тартиби;

қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларини сертификатлаш учун маҳсулот намуналарини танлаб олиш ва идентификация қилиш, маҳсулотни идентификация қилиш ва намуналарни танлаб олиш далолатномасини расмийлаштириш тартиби;

идентификация қилинган ва танлаб олинган намуналарни аккредитаци-

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 19 декабрда эълон қилинган.

яланган синов лабораторияларида синовдан ўтказиш, синов баённомаси ва таҳлил натижаларини расмийлаштириш тартиби;

синов баённомаси ва таҳлил натижаларига асосан маҳсулотга мувофиқлик сертификатини расмийлаштириш тартиби;

б) Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясида уруғлик пахта чигитини услубий таҳлил қилиш ва тупроқда нав тозалигини баҳолаш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламенти 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

давлат хизматларидан фойдаланган ҳолда уруғлик пахта чигитини услубий таҳлил қилиш ва тупроқда нав тозалигини баҳолаш бўйича мурожаатларни шакллантириш ва юбориш тартиби;

ғўза навларининг намуналарини танлаб олиш, уруғлик чигитини экишга тайёрлаш ва уларни экиш тартиби;

ғўза навларининг морфологик белгилари тавсифномасидан келиб чиққан ҳолда нав тозалигини баҳолаш натижаларини расмийлаштириш тартиби;

в) Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясида донли экинлар уруғларини услубий таҳлил қилиш ва тупроқда нав тозалигини баҳолаш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламенти 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

давлат хизматларидан фойдаланган ҳолда донли экинлар уруғларини услубий таҳлил қилиш ва тупроқда нав тозалигини баҳолаш бўйича мурожаатларни шакллантириш ва кўриб чиқиш тартиби;

донли экинлар навларининг намуналарини танлаб олиш, уруғлик чигитини экишга тайёрлаш ва уларни экиш тартиби;

донли экинлар навларининг морфологик белгилари тавсифномасидан келиб чиққан ҳолда нав тозалигини баҳолаш натижаларини расмийлаштириш тартиби;

г) Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясида уруғлар, дуккакли, мойли экинлар ва бошқа дон экинларини қайта ишлашни сертификатлаш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламенти 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

давлат хизматларидан фойдаланган ҳолда уруғлар, дуккакли, мойли экинлар ва бошқа дон экинларини қайта ишлашни сертификатлаш учун мурожаат қилиш ҳамда давлат хизматларини кўрсатиш тартиби;

уруғлар, дуккакли, мойли экинлар ва бошқа дон экинларини қайта ишлашни сертификатлаш учун маҳсулот намуналарини танлаб олиш ва идентификация қилиш, маҳсулотни идентификация қилиш ва намуналарни танлаб олиш далолатномасини расмийлаштириш тартиби;

идентификация қилинган ва танлаб олинган намуналарни аккредитацияланган синов лабораторияларида синовдан ўтказиш, синов баённомаси ва таҳлил натижаларини расмийлаштириш тартиби;

синов баённомаси ва таҳлил натижаларига асосан маҳсулотга мувофиқлик сертификатини расмийлаштириш тартиби.

3. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш ва-

зирлиги Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси билан биргаликда уч ой муддатда:

қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларини сертификатлаш ва навдорлигини баҳолаш бўйича давлат хизматлари кўрсатадиган ташкилот ва идораларнинг Ягона интерактив давлат хизматлари порталига (кейинги ўринларда — ЯИДХП) уланишини таъминласин;

ЯИДХП орқали давлат хизматлари кўрсатилишининг ҳар бир босқичида мурожаатларнинг кўриб чиқилишини кузатиб боришни жорий этсин;

маъмурий регламентларда белгиланган ташкилотлар томонидан ушбу қарор талабларига риоя этилиши бўйича, шу жумладан, ЯИДХП орқали доимий назорат ўрнатсин.

4. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси ЯИДХПда давлат хизматларини жорий қилиш бўйича техник ҳужжатни икки ой муддатда ишлаб чиқсин ҳамда белгиланган тартибда келишиш учун Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳузуридаги «Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази» давлат муассасаси ҳамда Адлия вазирлигига киритсин.

5. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги билан биргаликда Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 30 январдаги 43-сон қарорига 4-илова билан тасдиқланган Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлиги тасдиқланиши мажбурий бўлган маҳсулотлар рўйхатини икки ой муддатда қайта кўриб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

6. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан икки ой ўтгач кучга киради.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Ш.М. Фаниев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 16 ноябрь,
712-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил 16 декабрдаги 712-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи
устидан назорат қилиш инспекциясида қишлоқ хўжалиги
экинлари уруғларини сертификатлаш бўйича
давлат хизматлари кўрсатишнинг
МАЪМУРИЙ РЕГЛАМЕНТИ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясида қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларини сертификатлаш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламенти (кейинги ўринларда — Регламент) жисмоний ва юридик шахсларга (кейинги ўринларда — ариза берувчи) қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларига (кейинги ўринларда — маҳсулот) мувофиқлик сертификатларини расмийлаштириш ёки уни рад этиш бўйича давлат хизматлари кўрсатиш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Регламент талаблари Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ хўжалиги экинлари уруғчилигини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2022 йил 28 январдаги ПҚ–106-сон қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ хўжалиги экинлари уруғчилигига оид айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида» 2021 йил 12 октябрдаги 641-сон қарорига мувофиқ Ҳукуматнинг қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш (ғўза, бошоқли дон ва картошка экинлари навларини жойлаштириш) бўйича қарорларига асосан экиш учун тайёрланган қишлоқ хўжалиги экинларининг уруғликларини сертификатлаштиришга нисбатан татбиқ этилмайди.

3. Ушбу Регламентда қуйидаги тушунчалардан фойдаланилади:

маҳсулотларни сертификатлаш (кейинги ўринларда — сертификатлаш) — қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларини белгиланган талабларга мувофиқлигини тасдиқлашга оид фаолият;

мувофиқлик сертификати — сертификатланган қишлоқ хўжалиги экинларининг уруғларини белгиланган талабларга мувофиқлигини тасдиқлаш учун сертификатлаш тизими қоидаларига биноан берилган ҳужжат;

сертификатлашнинг миллий тизими — давлат миқёсида амал қиладиган, сертификатлашда ўз тартиб ва бошқарув қоидаларига эга бўлган тизим;

сертификатлаш органи — Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси;

мувофиқлик белгиси — муайян маҳсулот ёхуд хизмат аниқ стандартга ёки бошқа норматив ҳужжатга мос эканлигини кўрсатиш учун маҳсулотга ёхуд кўрсатилган хизматга доир ҳужжатга қўйиладиган ва белгиланган тартибда рўйхатга олинган белги;

маҳсулотларни (ишларни, хизматларни) сертификатлаш тизими — айни бир хил стандарт ва қоидалар қўлланиладиган муайян маҳсулотлар, ишлар ёки хизматларга тааллуқли сертификатлаш тизими;

синов баённомалари — қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларини экинбоплик сифат кўрсаткичларини аниқлаш марказий ва ҳудудий лабораториялар томонидан ўтказилган синовлар натижаси бўйича расмийлаштириладиган ҳужжат.

4. Ариза берувчининг Давлат хизматлари маркази, Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда — ЯИДХП) орқали юборган ёки Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясининг (кейинги ўринларда — Ўзагроинспекция) сертификатлаштириш органига берган мурожаати ёки сўровномаси асосида маҳсулотлар Ўзагроинспекция томонидан сертификатлаштирилади.

Мажбурий сертификатланадиган маҳсулотларни сертификатлашнинг ўзига хос хусусиятлари алоҳида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар билан тартибга солинади.

5. Сертификатлашда маҳсулотни норматив ҳужжатларда белгиланган талабларга мос келиши тасдиқланади.

6. Сертификатлашда муайян маҳсулот учун маҳсулотга норматив ҳужжатлардан ташқари, маҳсулотнинг мажбурий талабларини белгилловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ва бошқа расмий нашр этилган маҳсулотга норматив ҳужжатларга ҳам амал қилиниши лозим.

7. Маҳсулотни синовдан ўтказишда, аккредитацияланган синов лабораториялари ва бошқа аккредитацияланган синов лабораторияларида ўтказилган синов натижалари ўзаро тан олинади.

8. Сертификатлашга ҳақ тўлаш, маҳсулотни мувофиқлигини баҳолаш ишлари натижаларидан қатъий назар, ариза берувчи томонидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Бунда сертификатлаш ишлари тўлов олдиндан амалга оширилгандан сўнг бажарилади.

9. Давлат хизматлари марказлари, ЯИДХП ва Ўзагроинспекция ўртасидаги ахборот алмашинуви электрон рақамли имзони (кейинги ўринларда — ЭРИ) мажбурий тартибда қўллаш орқали фақат идоралараро ўзаро электрон боғланиш ёрдамида кўрсатилади.

10. Давлат хизматлари ушбу Регламентга 1-иловада* келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

2-боб. Давлат хизматлари кўрсатиш тартиби

11. Ариза берувчи давлат хизматларидан фойдаланиш учун Давлат хизматлари марказига ёки Ўзагроинспекцияга ўзи келиб мурожаат қилади, шунингдек, давлат хизматларидан электрон тарзда фойдаланиш учун ЯИДХПда рўйхатдан ўтади.

* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

12. Ариза берувчи ўзи келиб мурожаат этган тақдирда, Давлат хизматлари маркази ёки Ўзагроинспекция ходими ариза берувчи номидан, ЯИДХП орқали мурожаат этган тақдирда эса, мустақил равишда ушбу Регламентга 2 ва 2а-иловаларга* мувофиқ шаклдаги аризани (сўровнома) электрон равишда тўлдиради.

Mobil-ID илова орқали сўровнома тўлдирганда, фойдаланувчининг телефон рақамига юборилган хабарни тасдиқлаш орқали идентификацияланади.

Ариза берувчидан қўйидаги ҳужжатлар талаб қилинади:

маҳсулот ёрлиғидан намуна ёки маҳсулот тўғрисида маълумот;

маҳсулотга экиш олдидан берилган мувофиқлик сертификати нусхаси;

маҳаллий маҳсулотларни сертификатлашда қишлоқ хўжалиги экинлари навларининг дала вегетация даврида апробация кўриги ўтказилганлиги ҳақида далолатноманинг асли ёки аслига тўғрилигини тасдиқловчи нусхаси;

маҳаллий тайёрланган маҳсулотларни касалликлар ва ҳашаротларга қарши кимёвий дориланганлиги ҳақида хулоса;

оригинал уруғларга (1-2-йил ва уруғ кўпайтириш кўчатзорлари) мансуб маҳсулотнинг ариза берувчи томонидан етиштирилганда, нав оригинатори томонидан уруғликни кўпайтириш учун рухсатномаси (илмий-амалий ҳамкорлик шартномаси ва экиш олдидан уруғлик харид қилинганлиги ҳақида фактура нусхаси);

импорт қилинган маҳсулотга тегишли хорижий фитосанитар сертификати, мувофиқлик сертификати, йўл-юк хати (накладной), ҳисоб-фактура (инвойс);

маҳаллий карантин рухсатномаси (ИКР) ёки юкни очиб кўриш далолатномаларининг (АКД) нусхалари, тўлов (йиғим) тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси.

Ҳужжатлар хорижий тилда расмийлаштирилганда, ўзбек ёки рус тилларига таржима қилинган ва тасдиқланган матнлар нусхалари илова қилинади.

13. Ариза ёки сўровнома тўлдирилганидан сўнг, ариза берувчи маълумотларнинг тўғрилигини текшириб, аризани ёки сўровномани ўз имзоси ёки электрон рақамли имзоси билан тасдиқлайди.

14. Ариза ёки сўровномани имзолаш ёки электрон рақамли имзо билан тасдиқлаш имконияти бўлмаган ҳолларда, тегишли имзолар идентификация қилишнинг бошқа воситалари (ишончли вакил, билдактилоскопия, электрон имзо ва бошқалар) билан ҳам тасдиқланиши мумкин.

15. Қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларини сертификатлаш бўйича давлат хизматлари кўрсатганлик учун тўлов (йиғим) 3-иловадаги* тўлов ставкаларига мувофиқ амалга оширилади.

Давлат хизматлари кўрсатиш учун ЯИДХП орқали мурожаат этилганда, ушбу банднинг биринчи хатбошисига кўрсатилган тўлов (йиғим) суммасининг 90 фоизи ундирилади.

Давлат хизматлари кўрсатганлик учун тўлов (йиғим) амалга оширилганлиги «Ягона биллинг» тизими орқали тасдиқланади.

16. Тўлов (йиғим) қўйидаги тартибда тақсимланади:

* 2-3-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

а) Давлат хизматлари марказига ўзи келиб мурожаат этганда:

20 фоизи — Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасига;

0,5 фоизи — Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасининг электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиётнинг идоралараро лойиҳаларини молиялаштириш бўйича махсус ҳисобварағига;

қолган маблағлар — Ўзагроинспекциянинг ривожлантириш жамғармасига ўтказилади;

б) ЯИДХП орқали мурожаат этилганда:

10 фоизи — Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасига;

11,75 фоизи — Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасининг электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиётнинг идоралараро лойиҳаларини молиялаштириш бўйича махсус ҳисобварағига;

қолган маблағлар — Ўзагроинспекциянинг сертификатлаштириш органи шахсий ҳисобварағига ўтказилади;

в) Ўзагроинспекцияга мурожаат этилганда, кўрсатилган хизматнинг 100 фоизи Ўзагроинспекциянинг сертификатлаштириш органи шахсий ҳисобварағига ўтказилади.

17. Ариза берувчига Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 12 октябрдаги 641-сонли қарори, О'з DSt 2823:2014 «Қишлоқ хўжалиги экинлари уруғлари. Навдорлик ва экиш сифатлари. Техникавий шартлар» давлат стандарти, «Маҳсулотларни сертификатлаш қоидалари» (2005 йил 18 март, рўйхат рақами 1458) ҳамда бошқа норматив ва техник ҳужжатларда назарда тутилган қуйидаги ҳолларда асосланган рад жавоби берилади:

Ўзагроинспекциянинг аккредитация доирасида мавжуд бўлмаган маҳсулотни сертификатлаш бўйича ариза берилганда;

Ўзагроинспекциянинг аккредитация гувоҳномаси вақтинчалик тўхтатилган, бекор қилинган ёки бошқа сабабларга кўра иш фаолияти тўхтатилганда; мазкур Регламентнинг 12-бандида талаб этилган ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилмаганда;

маҳсулотдан намуна танлаб олиш ва идентификациялаш учун шарт-шароитларни ариза берувчи томонидан яратилмаганда;

маҳсулотдан намуна танлаб олиш ва идентификациялаш жараёнида ариза берувчининг (вакили) иштирокини таъминланмаслиги ёки намуналар танлаб олишда Ўзагроинспекция мутахассислари шахсан иштирок этмаган бўлса;

маҳсулотнинг синов натижалари салбий бўлганда;

мувофиқликни баҳолаш натижаларига кўра, аввал маҳсулотнинг сифати бўйича номувофиқлиги (яроқсизлиги) ҳақида синов баённомаси ёки таҳлил натижаси тақдим этилган ҳолларда, шу маҳсулотни қайта сертификатлаш юзасидан ариза берилганда;

аризада ишончсиз, шубҳали, нотўғри маълумотлар кўрсатилганда;

идентификация натижаларига кўра, сертификатлаштирилмаган маҳсулот тури белгиланган намунада эмаслиги маълум бўлганда;

давлат хизматлари кўрсатиш учун тўлов (йиғим) амалга оширилмаганда;

маҳсулот норматив ҳужжатлар талаблари асосида (тозаланмаган, сараланмаган, калибрланмаган, дориланмаган, қадоқланмаган, маҳсус омборда сақланмаганда) тайёрланмаганда;

маҳсулот норматив ҳужжатларда белгиланган талабларга мос келмаган ҳолларда, қадоқлаш бирликларининг ҳар бирига ёрлиқлар қўйилмаганда ва қадоқлаш ишлари нотўғри амалга оширилганда;

маҳсулотдан намуналар танлаб олиш тартибига риоя қилинмаганда;

маҳсулотда зараркунандалар мавжуд бўлганда ёки улар билан зарарланган бўлганда;

маҳсулотни омборда сақлаш жараёнида намланиши оқибатида уруғни униб чиқиш, моғорлаш ёки чириш ҳолатлари юзага келганда ёки уруғликлар сақланишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳолатлар аниқланганда;

«Уруғчилик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва норматив ҳужжатлар талаблари бўйича мажбурий рўйхатдан ўтказилиши талаб қилиниб, маҳсулотнинг нав ва дурагайлари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида экишга тавсия этилган қишлоқ хўжалиги экинлари давлат реестрига киритилмаганда;

дурагай уруғини экиб, ундан қайта дурагай ёки навли уруғлик олинганда;

маҳсулотнинг нави ва авлоди бўлмаган ҳолларда;

импорт қилинган маҳсулотнинг сифат ва хавфсизлик талаблари тасдиқланмаганда;

қонунчилик ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳолларда.

Ариза берувчи рад жавобини олганидан (маҳсулотнинг синов натижалари салбий бўлган ҳолат бундан мустасно) кейин аниқланган камчиликларни бир ой мобайнида бартараф этиши ва қайта мурожаат қилиши мумкин, акс ҳолларда қайтадан тўлов амалга оширилиши талаб этилади.

18. Ўзагроинспекция давлат хизматлари кўрсатишни қуйидаги ҳолларда тўхтатиб туришга ҳақли:

фуқаролик, иқтисодий, маъмурий ёки жиноят суд ишларини юритиш тартибида кўрилаётган иш юзасидан давлат хизматлари кўрсатишни вақтинчалик тўхтатиш ҳақида суд ҳужжатлари бўлганда;

давлат хизматлари кўрсатишда иштирок этаётган жисмоний шахс вафот этганда, юридик шахс тугатилганда, фаолиятини тўхтатганда ёки қайта ташкил этилганда;

хатоларни тўғрилаш ва зарур ҳужжатларни тақдим этиш имконияти берилганда;

экспертиза тайинланганда.

Давлат хизматлари кўрсатишни тўхтатиб туриш тўғрисидаги хабар манфаатдор шахсларга бир иш кунида ЯИДХП орқали ёки аризачининг ўзига юборилади. Давлат хизматлари кўрсатишни тўхтатиб туриш ҳақидаги хабар процессуал ҳужжат ҳисобланади.

Давлат хизматлари кўрсатишни тўхтатиб туриш — давлат хизматлари кўрсатиш муддати ўтишининг олдини олишга асос бўлади.

19. Давлат хизматлари кўрсатишни бошқа асослар бўйича рад этиш тақиқланади.

20. Ариза берувчи давлат хизматларидан фойдаланишдан уни кўрсатишнинг ҳар қандай босқичида бош тортиш ҳуқуқига эга.

Ариза берувчи давлат хизматларидан фойдаланишдан бош тортганда, унинг аризаси ёки сўровномаси кўрмасдан қолдирилади. Бунда тўланган тўлов (йиғим) суммаси қайтарилмайди.

21. Ариза берувчи Давлат хизматлари марказига ёки Ўзагроинспекцияга келиб мурожаат этганда, унинг аризаси ёки сўровномаси Давлат хизматлари маркази ёки Ўзагроинспекция ходими томонидан тўлдирилиб, ариза берувчи томонидан тасдиқланганидан сўнг бир иш кунида автоматик тарзда Ўзагроинспекцияга электрон шаклда юборилади ёки Ўзагроинспекциянинг сертифицилаштириш органида рўйхатдан ўтказилади.

ЯИДХП орқали мурожаат қилинганда, сўровнома автоматик тарзда Ўзагроинспекцияга электрон шаклда юборилади.

3-боб. Намуналарни танлаб олиш ва идентификациялаш

22. Сертификатлаш учун маҳсулот намуналарини танлаб олиш ва идентификация қилиш ишлари ариза берилганидан икки иш кунидан кечиктирилмасдан Ўзагроинспекция томонидан жойига чиққан ҳолда амалга оширилади.

Ўзагроинспекция мутахассислари идентификациялаш ва намуналарни танлаб олиш жараёнларини ариза берувчи ёки унинг вакили иштирокида амалга оширади.

23. Сертификатланадиган маҳсулот намуналарининг миқдори, намунани танлаб олиш, идентификация қилиш ва сақлаш тартиби норматив ҳужжатларга мувофиқ амалга оширилади.

24. Хорижий давлатлардан келтириладиган маҳсулотни сертификатлаш учун тўдадан танлаб олинадиган намуналарнинг сони синовларни ўтказиш бўйича норматив ҳужжатларга мувофиқ Ўзагроинспекция томонидан белгиланади.

25. Сертификатлашга тақдим этилган маҳсулотдан намуналарни танлаб олишда идентификация қилиш амалиёти, маҳсулотни сертификатлаш қоидаларидан келиб чиқиб, ушбу Регламентнинг 4 ва 4а-иловаларига* мувофиқ намуналарни идентификация қилиш ва намуна танлаб олиш далолатномасини расмийлаштирган ҳолда амалга оширилади.

Агар идентификация натижаларига кўра, ариза берувчи томонидан тақдим этилган намуналар маҳсулотга норматив ҳужжатлар талабларига но мувофиқ ёки сертификатланадиган маҳсулот тури белгиланган намунада эмаслиги маълум бўлса, намуналар танлаб олинмайди ва ариза берувчига асосланган рад жавоби берилади.

26. Ишлаб чиқилган маҳсулотни идентификация қилиш ва намуналарни танлаб олиш далолатномаси икки нусхада расмийлаштирилади ва уларнинг бир нусхаси ариза берувчига берилади.

* 4-4а-иловалар «Конунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Божхонада сақланаётган импорт маҳсулотларни сертификатлаш учун намуналарни танлаб олиш Ўзагроинспекция томонидан, божхона органининг мансабдор шахси, маҳсулот эгаси ёки унинг вакили иштирокида ўтказилади.

Бунда Ўзагроинспекция вакили томонидан маҳсулотни идентификация қилиш ва намуна танлаб олиш тўғрисидаги далолатнома уч нусхада тузилади ва иккинчи нусхаси божхона идорасига тақдим этилади.

4-боб. Синовларни ўтказиш тартиби

27. Ариза берувчининг омборидан ёки ишлаб чиқариш корхоналаридан Ўзагроинспекция мутахассислари томонидан норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ далолатномаларни расмийлаштирган ҳолда идентификация қилинган ва танлаб олинган намуналар ҳамда тегишли ҳужжатлар икки иш кунда аккредитацияланган синов лабораториясига тақдим этилади.

28. Сертификатлаш мақсадида синовлар аккредитацияланган синов лабораторияларида ўтказилади.

Бунда маҳсулотни сертификатлаш учун синов баённомаларини расмийлаштириш ва бериш муддати маҳсулот турига ҳамда норматив ҳужжатларга мувофиқ ўтказиладиган барча синов усулларининг давомийлигидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

29. Синов натижаларига кўра, маҳсулот мувофиқ (яроқли) деб топилганда унга синов баённомаси ёки номувофиқ деб топилган ҳолларда эса, унга номувофиқлиги тўғрисида таҳлил натижалари расмийлаштирилади.

Шунингдек, «Уруғчилик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва норматив ҳужжатлар талаблари бўйича мажбурий рўйхатдан ўтказиш талаб қилинганда, маҳсулотнинг нав ва дурагайлари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида экишга тавсия этилган қишлоқ хўжалиги экинлари давлат реестрига киритилмаган маҳсулотларга синов баённомаси ва таҳлил натижалари расмийлаштирилади.

30. Ариза берувчи Ўзагроинспекцияга маҳсулотни етиштириш ва ишлаб чиқаришни ташкил этишда ўтказилган синов натижаларини ёки аккредитацияланган синов лабораториялари томонидан амалга оширилган синовлар тўғрисидаги ҳужжатларини тақдим этиши мумкин.

31. Синов натижалари салбий бўлган тақдирда, Ўзагроинспекция икки иш кунда ариза берувчига ёки Давлат хизматлари марказига, ЯИДХП орқали ариза берувчига қонунчилик ҳужжатларидаги нормаларни кўрсатган ҳолда маҳсулотнинг мувофиқлик сертификатини беришни рад этилганлиги тўғрисидаги хабарномани юборади.

Агар синов натижалари орасидаги тафовутлар рухсат этилган меъёрдан юқори бўлганда ёки норматив ҳужжатларда кўзда тутилган бошқа ҳолатларда, Ўзагроинспекция томонидан маҳсулотнинг сифат кўрсаткичлари қайта синовдан ўтказилади ва синов жараёнлари давомийлиги белгиланган тартибда узайтирилади ҳамда бу ҳақда икки иш кунда ариза берувчига ёки Давлат хизматлари марказига, ЯИДХП орқали ариза берувчига хабарнома юборилади.

32. Агар хориждан келтирилган маҳсулотнинг сифат ва хавфсизлик талаб-

лари тасдиқланмаган тақдирда, Ўзагроинспекция икки иш кунда ариза берувчига ёки Давлат хизматлари марказига, ЯИДХП орқали Давлат божхона кўмитасига ушбу маҳсулотнинг номувофиқлиги тўғрисида расмий равишда хабарнома юборади.

33. Маҳсулотни синовдан ўтказиш даврида бутунлай ёки қисман бузилганлиги, шунингдек, синаш даврида ҳисобдан чиқарилганлиги (қайтариб берилганлиги) тўғрисидаги далолатнома ариза берувчининг (ёки унинг вакили) иштирокида ушбу Регламентнинг 5-иловасига* мувофиқ тузилади.

5-боб. Мувофиқлик сертификатини расмийлаштириш тартиби

34. Ўзагроинспекция синов баённомаси ва таҳлил натижалари ҳамда ариза берувчи томонидан тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиққандан сўнг маҳсулотга мувофиқлик сертификатини беради ёки беришни рад этади.

Маҳсулотга мувофиқлик сертификатини расмийлаштириш ва бериш муддати барча зарур бўлган ҳужжатлар (мазкур Регламентнинг 12-бандида назарда тутилган ҳужжатлар) тақдим этилганидан ва лаборатория синов натижалари (синов баённомаси ёки таҳлил натижаси) олинганидан сўнг уч иш кунидан ошмаслиги керак.

35. Маҳсулотга мувофиқлик сертификати давлат тилида ёки хорижий тилларда расмийлаштирилади.

Маҳсулотга мувофиқлик сертификати portal.standart.uz автоматлашган ахборот тизими ҳамда «Ягона дарча» божхона ахборот тизимига интеграция қилинган ҳолда электрон шаклда расмийлаштирилади.

36. Расмийлаштирилган мувофиқлик сертификати Ўзагроинспекциянинг масъул ходимлари томонидан электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳолда ариза берувчига Ўзагроинспекция ёки Давлат хизматлари маркази (ўзи келиб мурожаат этган тақдирда) ва ЯИДХП орқали электрон тарзда юборилади.

6-боб. Яқунловчи қоидалар

37. Ўзагроинспекция, Давлат хизматлари маркази ва Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳузуридаги «Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази» ДУК давлат хизматларини кўрсатиш бўйича тақдим этилган ҳужжатлар ва сертификатлаш натижалари бўйича маълумотларнинг сир сақланишини таъминлайди.

38. Ўзагроинспекция, Давлат хизматлари маркази, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳузуридаги «Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази» ДУК манфаатдор шахсга маъмурий ҳужжатни қабул қилиш учун аҳамиятга эга бўлган барча ҳолатлар юзасидан ўз фикрини билдириш имкониятини беради.

39. Адлия вазирлиги ва унинг ҳудудий бошқармалари ҳамда Давлат хизматлари марказлари ушбу Регламент талаблари ижроси бўйича Ўзагроинс-

* 5-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

пекциянинг сертификатлаштириш фаолияти юзасидан, шу жумладан, ЯИДХП орқали доимий назоратни амалга оширади ва мониторинг олиб боради.

40. Ариза берувчи давлат хизматлари кўрсатувчи ва бошқа ташкилотлар ходимларининг хатти-ҳаракатлари юзасидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиши мумкин.

41. Мазкур Регламент талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил 16 декабрдаги 712-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи
устидан назорат қилиш инспекциясида уруғлик пахта чигитини
услубий таҳлил қилиш ва тупроқда нав тозалигини баҳолаш
бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг
МАЪМУРИЙ РЕГЛАМЕНТИ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясида уруғлик пахта чигитини услубий таҳлил қилиш ва тупроқда нав тозалигини баҳолаш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламенти (кейинги ўринларда — Регламент) жисмоний ва юридик шахсларга (кейинги ўринларда — ариза берувчи) уруғлик пахта чигити тўдасидан танлаб олинган нав намуналарини (кейинги ўринларда — нав намунаси) тупроқда нав тозалигини баҳолаш ва амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини аниқлаш бўйича давлат хизматлари кўрсатиш тартибини белгилайди.

Мазкур Регламент талаблари «Уруғчилик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 20-моддаси асосида уруғлик етиштириш учун фойдаланиладиган қишлоқ хўжалиги экинлари уруғлари нав намуналарини генетик (нав) сифатини текшириш учун татбиқ этилмайди.

2. Давлат хизматлари Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси, Давлат хизматлари марказлари ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда — ЯИДХП) орқали кўрсатилади. Бунда:

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси (кейинги ўринларда — Ўзагроинспекция) томонидан илмий-тадқиқот институтлари, уруғлик етиштирувчи ва элита уруғчилик хўжаликларда етиштирилган навлардан белгиланган тартибда намуналар танлаб олинади, тегишли ҳужжатларни расмийлаштиради, рўйхатга олади, дала тажриба майдонига экади, парвариш қилади, методик ва агротехник тадбирларни ўтказди, навдорликни баҳолаш ишларини амалга оширилишини ҳамда баҳолаш хулосаларини ариза берувчига тақдим этилишини таъминлайди;

ариза берувчи нав намунасини танлаб олиш ва Ўзгагроинспекциянинг дала тажриба майдонига жўнатиш учун зарур шароит яратади ҳамда ушбу жараёнда иштирок этади.

3. Нав намунаси Ўзгагроинспекциянинг дала тажриба майдонида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалиги экинлари давлат реестрига киритилган ва истиқболли деб ҳисобланган ғўза навларининг дориланиб тайёрланган уруғлик чигит тўдаларидан танлаб олинган нав намуналарини дала тажриба майдонида экиб ўрганиш йўли билан амалга оширилади.

4. Ариза берувчи томонидан уруғлик тўдаси тозаланган, сараланган ва дорилангандан сўнг, нав намуналарининг нав тозалигини (навдорлиги) баҳолаш учун 1 март кунидан кечиктирмаган ҳолда мурожаат қилади.

Ўзгагроинспекция навдорликни баҳолаш ишлари бўйича буюртма бериш муддати 1 март кунига қадар этиб белгиланганлиги ҳақида ўзининг расмий веб-сайтида январь ойининг биринчи ўн кунлигида эълон беради.

5. Ариза берувчи томонидан нав намунаси 1 март кунига қадар тақдим қилинмаса, ариза берувчининг мурожаати рад этилади.

6. Давлат хизматлари кўрсатиш мазкур Регламентга 1-иловага* мувофиқ схема асосида амалга оширилади.

2-боб. Давлат хизматларини кўрсатиш тартиби

Мурожаатларни шакллантириш ва кўриб чиқиш

7. Ариза берувчи давлат хизматларидан фойдаланиш учун Давлат хизматлари марказига ёки Ўзгагроинспекцияга ўзи келиб мурожаат қилади, шунингдек, давлат хизматларидан электрон тарзда фойдаланиш учун ЯИДХПда рўйхатдан ўтади.

8. Ариза берувчи ўзи келиб мурожаат қилган тақдирда Давлат хизматлари маркази ёки Ўзгагроинспекция ходими ариза берувчи номидан, ЯИДХП орқали мурожаат этилган тақдирда эса, мустақил равишда ушбу Регламентга 2-иловага* мувофиқ шаклдаги сўровномани электрон равишда тўлдиради.

9. Ариза берувчидан нав намунасининг бирламчи ҳужжатларидан экилгандаги мувофиқлик сертификати ёки таҳлил натижаси ва апробация далолатномаси нусхалари талаб қилинади.

10. Сўровнома тўлдирилганидан сўнг, ариза берувчи маълумотларнинг тўғрилигини текшириб, сўровномани ўз имзоси ёки электрон рақамли имзоси билан тасдиқлайди.

Mobil-ID илова орқали сўровнома тўлдирганда, фойдаланувчининг телефон рақамига юборилган хабарни тасдиқлаш орқали идентификацияланади.

11. Сўровномани имзолаш ёки электрон рақамли имзо билан тасдиқлаш имконияти бўлмаган ҳолларда, тегишли имзолар идентификация қилишнинг бошқа воситалари (билдактилоскопия, электрон имзо ва бошқалар) билан ҳам тасдиқланиши мумкин.

* 1-2-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

12. Уруғлик пахта чигитини услубий таҳлил қилиш ва тупроқда нав тозалигини баҳолаш бўйича давлат хизматлари кўрсатганлик учун тўлов (йиғим) 3-иловадаги* тўлов ставкаларига мувофиқ амалга оширилади.

Давлат хизматлари кўрсатиш учун ЯИДХП орқали мурожаат этилганда, ушбу банднинг биринчи хатбошисида кўрсатилган тўлов (йиғим) суммасининг 90 фоизи ундирилади.

Давлат хизматлари кўрсатганлик учун тўлов (йиғим) амалга оширилганлиги «Ягона биллинг тизими» орқали тасдиқланади.

13. Тўлов (йиғим) қуйидаги тартибда тақсимланади:

а) Давлат хизматлари марказига ўзи келиб мурожаат этганда:

20 фоизи — Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасига;

0,5 фоизи — Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасининг электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиётнинг идоралараро лойиҳаларини молиялаштириш бўйича махсус ҳисобварағига;

қолган маблағлар — Ўзагроинспекциянинг ривожлантириш жамғармасига ўтказилади;

б) ЯИДХП орқали мурожаат этилганда:

10 фоизи — Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасига;

11,75 фоизи — Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасининг электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиётнинг идоралараро лойиҳаларини молиялаштириш бўйича махсус ҳисобварағига;

қолган маблағлар — Ўзагроинспекциянинг сертификатлаштириш органи шахсий ҳисобварағига ўтказилади;

в) Ўзагроинспекцияга мурожаат этилганда, кўрсатилган хизматнинг 100 фоизи Ўзагроинспекциянинг сертификатлаштириш органи шахсий ҳисобварағига ўтказилади.

Нав намуналарини танлаб олиш тартиби

14. Давлат хизматлари кўрсатиш учун Ўзагроинспекциянинг мутахассислари томонидан уруғлик тўдаларидан амалдаги стандарт талаблари асосида ариза берувчи ёки унинг ишончли вакили иштирокида нав намуналарини беш иш кунда танлаб олинади ва далолатнома расмийлаштирилади.

15. Танлаб олинган ҳар бир нав намунасида ташқи ва ички ёрлиқлар бўлиши керак.

Ҳар бир нав намуналарининг ёрлиқларида уруғлик тайёрловчининг номи, экин тури, нави, авлоди, уруғнинг келиб чиқиши, тўда рақами, тўда вазни, апробация бўйича нав тозалиги ва намуна вазни каби маълумотлар бўлиши лозим.

16. Нав намуналарини танлаб олишда уруғлик сақланиш шароитлари текширилади ва текширув натижалари тўғрисидаги маълумотлар билан бирга нав назорати учун танлаб олинган уруғлик чигитнинг ўртача намуна далолатномаси Ўзагроинспекциянинг мутахассиси томонидан расмийлаштирилади.

* 3-4-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ди. Далолатноманинг битта асл нусхаси ариза берувчида ёки унинг вакилида қолдирилади (4-илова*).

Мазкур далолатноманинг асл нусхаси намуна билан биргаликда бўз қопчаларга жойлаштирилиб, икки иш кунида дала тажрибаларини ўтказиш майдончаси (ГРУНТ нав назорат) яъни, қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларини тупроқда баҳолаш, ободонлаштириш, бино ва ердан фойдаланиш бўлимига юборилади.

Нав намуналарини экишга тайёрлаш

17. Танлаб олинган нав намуналари бир иш кунида рўйхатга олинади ва экиш рўйхати (экиш ведомости) тузилади.

18. Рўйхатга олинган нав намуналаридан экиш учун ишчи намуналари тайёрланиб, махсус бўз қопчаларга жойлаштирилади ва уч иш кунида майдончаларнинг тартиб рақами қўйилади.

19. Экиш учун жамланган барча нав намуналари касаллик ва зараркунандаларга қарши кимёвий препаратлар билан ишлов берилган бўлиши лозим.

Кимёвий препаратлар билан ишлов берилмаган тўдалардан олинган нав намуналари бўйича давлат хизматларини кўрсатиш Ўзагроинспекция билан тузилган шартномага мувофиқ амалга оширилади.

Нав намуналарини экиш

20. Нав намуналари ҳудуд учун мақбул бўлган муддатда, яъни об-ҳаво, табиий иқлим шароитидан келиб чиққан ҳолда март ва апрель ойларида экилади.

21. Нав намуналари дала тажриба майдонида 25 метр узунликда икки қайтариқда экилади.

22. Нав намуналари юқори авлодлар бўйича тартиб асосида экилади.

23. Тажриба даласида униб чиқмаган хатолар ўрнига экиш ва қайта экишга рухсат этилмайди.

24. Экинларни парваришлаш ишлари ҳудудда амалда бўлган агротехник тадбирларни ўтказиш бўйича тавсия ва кўрсатмалар асосида амалга оширилади.

Нав тозалигини баҳолаш натижаларини расмийлаштириш

25. Нав намуналарида нав тозалиги ҳар йили август ойида нав муаллифи томонидан тақдим этилган навларнинг морфологик белгилари тавсифномаси асосида аниқланади.

26. Нав намуналарининг таҳлил натижаларига кўра, Ўзагроинспекция томонидан ижобий ёки салбий хулосалар расмийлаштирилади.

Баҳолаш натижалари ва шу асосда расмийлаштирилган хулосалар Ўзагроинспекция томонидан имзо билан тасдиқланган ҳолда ариза берувчига Ўзагроинспекция ёки Давлат хизматлари маркази (ўзи келиб мурожаат этган тақдирда) ва ЯИДХП орқали электрон шаклда юборилади (5-илова*).

* 5-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

3-боб. Якунловчи қоидалар

27. Давлат хизматлари маркази ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳузуридаги «Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази» ДУК давлат хизматларини кўрсатиш бўйича тақдим этилган ҳужжатлар ва нав тозалигини баҳолаш натижалари бўйича маълумотларнинг сир сақланишини таъминлайди.

28. Давлат хизматлари маркази ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳузуридаги «Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази» ДУК манфаатдор шахсга маъмурий ҳужжатни қабул қилиш учун аҳамиятга эга бўлган барча ҳолатлар юзасидан ўз фикрини билдириш имкониятини беради.

29. Адлия вазирлиги ва унинг ҳудудий бошқармаси ҳамда Давлат хизматлари маркази ушбу Регламент талаблари ижроси бўйича Ўзагроинспекциянинг мазкур фаолияти юзасидан, шу жумладан, ЯИДХП орқали доимий назоратни амалга оширади ва мониторинг қилиб боради.

30. Ариза берувчи давлат хизматлари кўрсатувчи ва бошқа ташкилотлар ходимларининг хатти-ҳаракатлари юзасидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилишлари мумкин.

31. Мазкур Регламент талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил 16 декабрдаги 712-сон қарорига
З-ИЛОВА

**Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан
назорат қилиш инспекциясида донли экинлар уруғларини
услубий таҳлил қилиш ва тупроқда нав тозалигини
баҳолаш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг
МАЪМУРИЙ РЕГЛАМЕНТИ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясида донли экинлар уруғларини услубий таҳлил қилиш ва тупроқда нав тозалигини баҳолаш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламенти (кейинги ўринларда — Регламент) жисмоний ва юридик шахсларга (кейинги ўринларда — ариза берувчи) донли экинлар уруғлари тўдасидан танлаб олинган нав намуналарини (кейинги ўринларда — нав намунаси) тупроқда нав тозалигини баҳолаш ва амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини аниқлаш бўйича давлат хизматлари кўрсатиш тартибини белгилайди.

Мазкур Регламент талаблари «Уруғчилик тўғрисида»ги Ўзбекистон Рес-

публикаси Қонунининг 20-моддаси асосида уруғлик етиштириш учун фойдаланиладиган қишлоқ хўжалиги экинлари уруғлари нав намуналарини генетик (нав) сифатини текшириш учун татбиқ этилмайди.

2. Давлат хизматлари Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси, Давлат хизматлари марказлари ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда — ЯИДХП) орқали кўрсатилади. Бунда:

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси (кейинги ўринларда — Ўзагроинспекция) томонидан илмий-тадқиқот институтлари, уруғлик етиштирувчи ва элита уруғчилик хўжаликларда етиштирилган навлардан белгиланган тартибда намуналар танлаб олинади, тегишли ҳужжатларни расмийлаштиради, рўйхатга олади, дала тажриба майдонига экади, парвариш қилади, методик ва агротехник тадбирларни ўтказиши, навдорликни баҳолаш ишларини амалга оширилишини ҳамда баҳолаш хулосаларини ариза берувчига тақдим этилишини таъминлайди;

ариза берувчи нав намунасини танлаб олиш ва Ўзагроинспекциянинг дала тажриба майдонига жўнатиш учун зарур шароит яратади ҳамда ушбу жараёнда иштирок этади.

3. Нав намунаси Ўзагроинспекциянинг дала тажриба майдонида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалиги экинлари давлат реестрига киритилган ва истиқболли деб ҳисобланган бошоқли дон экинлари навларининг дориланиб тайёрланган уруғлик дон тўдаларидан танлаб олинган нав намуналарини дала тажриба майдонида экиб ўрганиш йўли билан амалга оширилади.

4. Ариза берувчи томонидан уруғлик тўдаси тозаланган, сараланган ва дорилангандан сўнг, нав намуналарининг нав тозалигини (навдорлиги) баҳолаш учун 10 сентябрь кунидан кечиктирмаган ҳолда мурожаат қилади.

Ўзагроинспекция навдорликни баҳолаш ишлари бўйича буюртма бериш муддати 10 сентябрь кунига қадар этиб белгиланганлиги ҳақида ўзининг расмий веб-сайтида июль ойининг биринчи ўн кунлигида эълон беради.

5. Ариза берувчи томонидан нав намунаси 10 сентябрь кунига қадар тақдим қилинмаса, ариза берувчининг мурожаати рад этилади.

6. Давлат хизматлари кўрсатиш мазкур Регламентга 1-иловага* мувофиқ схема асосида амалга оширилади.

2-боб. Давлат хизматларини кўрсатиш тартиби

Мурожаатларни шакллантириш ва кўриб чиқиш

7. Ариза берувчи давлат хизматларидан фойдаланиш учун Давлат хизматлари марказига ёки Ўзагроинспекцияга ўзи келиб мурожаат қилади, шунингдек, давлат хизматларидан электрон тарзда фойдаланиш учун ЯИДХПда рўйхатдан ўтади.

8. Ариза берувчи ўзи келиб мурожаат қилган тақдирда Давлат хизмат-

* 1-2-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

лари маркази ёки Ўзагроинспекция ходими ариза берувчи номидан, ЯИДХП орқали мурожаат этилган тақдирда эса, мустақил равишда ушбу Регламентга 2-иловага* мувофиқ шаклдаги сўровномани электрон равишда тўлдиради.

9. Ариза берувчидан нав намунасининг бирламчи ҳужжатларидан экилгандаги мувофиқлик сертификати ёки таҳлил натижаси ва апробация далолатномаси нусхалари талаб қилинади.

10. Сўровнома тўлдирилганидан сўнг, ариза берувчи маълумотларнинг тўғрилигини текшириб, сўровномани ўз имзоси ёки электрон рақамли имзоси билан тасдиқлайди.

Mobil-ID илова орқали сўровнома тўлдирганда, фойдаланувчининг телефон рақамига юборилган хабарни тасдиқлаш орқали идентификацияланади.

11. Сўровномани имзолаш ёки электрон рақамли имзо билан тасдиқлаш имконияти бўлмаган ҳолларда, тегишли имзолар идентификация қилишнинг бошқа воситалари (билдактилоскопия, электрон имзо ва бошқалар) билан ҳам тасдиқланиши мумкин.

12. Донли экинлар уруғларини услубий таҳлил қилиш ва тупроқда нав тозалигини баҳолаш бўйича давлат хизматлари кўрсатганлик учун тўлов (йиғим) 3-иловадаги* тўлов ставкаларига мувофиқ амалга оширилади.

Давлат хизматлари кўрсатиш учун ЯИДХП орқали мурожаат этилганда, ушбу банднинг биринчи хатбошисига кўрсатилган тўлов (йиғим) суммасининг 90 фоизи ундирилади.

Давлат хизматлари кўрсатганлик учун тўлов (йиғим) амалга оширилганлиги «Ягона биллинг тизими» орқали тасдиқланади.

13. Тўлов (йиғим) қўйидаги тартибда тақсимланади:

а) Давлат хизматлари марказига ўзи келиб мурожаат этганда:

20 фоизи — Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасига;

0,5 фоизи — Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасининг электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиётнинг идоралараро лойиҳаларини молиялаштириш бўйича махсус ҳисобварағига;

қолган маблағлар — Ўзагроинспекциянинг ривожлантириш жамғармасига ўтказилади;

б) ЯИДХП орқали мурожаат этилганда:

10 фоизи — Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасига;

11,75 фоизи — Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасининг электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиётнинг идоралараро лойиҳаларини молиялаштириш бўйича махсус ҳисобварағига;

қолган маблағлар — Ўзагроинспекциянинг сертификатлаштириш органи шахсий ҳисобварағига ўтказилади;

в) Ўзагроинспекцияга мурожаат этилганда, кўрсатилган хизматнинг 100 фоизи Ўзагроинспекциянинг сертификатлаштириш органи шахсий ҳисобварағига ўтказилади.

* 3-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Нав намуналарини танлаб олиш тартиби

14. Давлат хизматлари кўрсатиш учун Ўзагроинспекциянинг мутахассислари томонидан уруғлик тўдаларидан амалдаги стандарт талаблари асосида ариза берувчи ёки унинг ишончли вакили иштирокида нав намуналарини беш иш кунида танлаб олинади ва далолатнома расмийлаштирилади.

15. Танлаб олинган ҳар бир нав намунасида ташқи ва ички ёрлиқлар бўлиши керак.

Ҳар нав намуналарининг ёрлиқларида уруғлик тайёрловчининг номи, экин тури, нави, авлоди, уруғнинг келиб чиқиши, тўда рақами, тўда вазни, апробация бўйича нав тозалиги ва намуна вазни каби маълумотлар бўлиши лозим.

16. Нав намуналарини танлаб олишда уруғлик сақланиш шароитлари текширилади ва текширув натижалари тўғрисидаги маълумотлар билан бирга нав назорати учун танлаб олинган уруғлик доннинг ўртача намуна далолатномаси Ўзагроинспекциянинг мутахассиси томонидан расмийлаштирилади. Далолатноманинг битта асл нусхаси ариза берувчида ёки унинг вакилида қолдирилади (4-илова*).

Мазкур далолатноманинг асл нусхаси намуна билан биргаликда бўз қопчаларга жойлаштирилиб, икки иш кунида дала тажрибаларини ўтказиш майдончаси (ГРУНТ нав назорат) яъни, қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларини тупроқда баҳолаш, ободонлаштириш, бино ва ердан фойдаланиш бўлимига юборилади.

Нав намуналарини экишга тайёрлаш

17. Танлаб олинган нав намуналари бир иш кунида рўйхатга олинади ва экиш рўйхати (экиш ведомости) тузилади.

18. Рўйхатга олинган нав намуналаридан экиш учун ишчи намуналари тайёрланиб, махсус бўз қопчаларга жойлаштирилади ва уч иш кунида майдончаларнинг тартиб рақами қўйилади.

19. Экиш учун жамланган барча нав намуналари касаллик ва зараркунандаларга қарши кимёвий препаратлар билан ишлов берилган бўлиши лозим.

Кимёвий препаратлар билан ишлов берилмаган тўдалардан олинган нав намуналари бўйича давлат хизматларини кўрсатиш Ўзагроинспекция билан тузилган шартномага мувофиқ амалга оширилади.

Нав намуналарини экиш

20. Нав намуналари ҳудуд учун мақбул бўлган муддатда, яъни об-ҳаво, табиий иқлим шароитидан келиб чиққан ҳолда сентябрь ва октябрь ойларида экилади.

21. Нав намуналари 10 м² ёки 25 м² дала тажриба майдонида делянка усулида экилади.

22. Нав намуналари юқори авлодлар бўйича тартиб асосида экилади.

* 4-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

23. Тажриба даласида униб чиқмаган хатолар ўрнига экиш ва қайта экишга рухсат этилмайди.

24. Экинларни парваришлаш ишлари ҳар йили ҳосил йилининг сентябрь-октябрь ойидан келгуси йилнинг май ойигача ҳудудларда амалда бўлган агротехник тадбирларни ўтказиш бўйича тавсия ва кўрсатмалар асосида ўтказилади.

Нав тозалигини аниқлаш ва натижаларни расмийлаштириш

25. Нав тозалиги нав муаллифи томонидан тақдим этилган навларнинг морфологик белгилари тавсифномаси асосида ўсимликнинг морфологик белгилари шаклланган вақтда аниқланади.

26. Нав намуналарида нав тозалигини аниқлаш экинларнинг сут-мум пишиш даврида, яъни май ойида нав муаллифи томонидан тақдим этилган навларнинг морфологик белгиларни ўрганиш орқали амалга оширилади.

Нав намуналарининг таҳлил натижаларига кўра, Ўзагроинспекция томонидан ижобий ёки салбий хулосалар расмийлаштирилади.

Баҳолаш натижалари ва шу асосда расмийлаштирилган хулосалар Ўзагроинспекция томонидан имзо билан тасдиқланган ҳолда ариза берувчига Ўзагроинспекция ёки Давлат хизматлари маркази (ўзи келиб мурожаат этган тақдирда) ва ЯИДХП орқали электрон шаклда юборилади (5-илова*).

3-боб. Яқунловчи қондалар

27. Давлат хизматлари маркази ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳузуридаги «Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази» ДУК давлат хизматлари кўрсатиш бўйича тақдим этилган ҳужжатлар ва нав тозалигини баҳолаш натижалари маълумотларини сир сақланишини таъминлайди.

28. Давлат хизматлари маркази ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳузуридаги «Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази» ДУК манфаатдор шахсга маъмурий ҳужжатни қабул қилиш учун аҳамиятга эга бўлган барча ҳолатлар юзасидан ўз фикрини билдириш имкониятини беради.

29. Адлия вазирлиги ва унинг ҳудудий бошқармаси ҳамда Давлат хизматлари маркази ушбу Регламент талаблари ижроси бўйича Ўзагроинспекциянинг мазкур фаолияти юзасидан, шу жумладан, ЯИДХП орқали доимий назоратни амалга оширади ва мониторинг қилиб боради.

30. Ариза берувчи давлат хизматлари кўрсатувчи ва бошқа ташкилотлар ходимларининг хатти-ҳаракатлари юзасидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилишлари мумкин.

31. Мазкур Регламент талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

* 5-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил 16 декабрдаги 712-сон қарорига
4-ИЛОВА

**Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан
назорат қилиш инспекциясида уруғлар, дуккакли, мойли экинлар
ва бошқа дон экинларини қайта ишлашни сертификатлаш
бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг
МАЪМУРИЙ РЕГЛАМЕНТИ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясида уруғлар, дуккакли, мойли экинлар ва бошқа дон экинларини қайта ишлашни сертификатлаш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламенти (кейинги ўринларда — Регламент) жисмоний ва юридик шахсларга (кейинги ўринларда — ариза берувчи) маҳаллий уруғлар, дуккакли, мойли экинларни ва бошқа дон экинларини қайта ишлашган маҳсулотларини кўплаб (серияли) ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқилган дон ва дон маҳсулотлари, уларни қайта ишлашдан олинган маҳсулотлар (кейинги ўринларда — маҳсулот) учун мувофиқлик сертификатини расмийлаштириш бўйича давлат хизматлари кўрсатиш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Регламент талаблари ғалла тайёрлаш мавсумида етиштирилган дон маҳсулотларини давлат хариди билан боғлиқ қисмига нисбатан татбиқ этилмайди.

3. Ушбу Регламентда қуйидаги тушунчалардан фойдаланилади:

маҳсулотларни сертификатлаш (кейинги ўринларда — сертификатлаш) — маҳсулотларнинг белгиланган талабларга мувофиқлигини тасдиқлашга оид фаолият;

мувофиқлик сертификати — сертификатланган маҳсулотнинг белгиланган талабларга мувофиқлигини тасдиқлаш учун сертификатлаш тизими қоидаларига биноан берилган ҳужжат;

сертификатлашнинг миллий тизими — давлат миқёсида амал қиладиган, сертификатлашда ўз тартиб ва бошқарув қоидаларига эга бўлган тизим;

сертификатлаш органи — Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси;

мувофиқлик белгиси — муайян маҳсулот ёхуд хизмат аниқ стандартга ёки бошқа норматив ҳужжатга мос эканлигини кўрсатиш учун маҳсулотга ёхуд кўрсатилган хизматга доир ҳужжатга қўйиладиган ва белгиланган тартибда рўйхатга олинган белги;

маҳсулотларни (ишларни, хизматларни) сертификатлаш тизими — айни бир хил стандартлар ва қоидалар қўлланиладиган муайян маҳсулотлар, ишлар ёки хизматларга тааллуқли сертификатлаш тизими;

синов баённомалари — уруғлар, дуккакли, мойли экинларни ва бошқа

дон экинларини қайта ишлашдан олинган маҳсулотларни лабораториялар томонидан ўтказилган синовлар натижаси бўйича расмийлаштириладиган ҳужжат.

4. Ариза берувчининг Давлат хизматлари маркази, Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда — ЯИДХП) орқали юборган ёки Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясининг (кейинги ўринларда — Ўзагроинспекция) сертификатлаштириш органига берган мурожаати ёки сўровномаси асосида маҳсулотлар Ўзагроинспекция томонидан сертификатлаштирилади.

Мажбурий сертификатланадиган маҳсулотларни сертификатлашнинг ўзига хос хусусиятлари алоҳида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар билан тартибга солинади.

5. Сертификатлашда маҳсулотни норматив ҳужжатларда белгиланган талабларга мос келиши тасдиқланади.

6. Сертификатлашда муайян маҳсулот учун норматив ҳужжатлардан ташқари, маҳсулотнинг мажбурий талабларини белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ва бошқа расмий нашр этилган норматив ҳужжатларга ҳам амал қилиниши мумкин.

7. Маҳсулотни синовдан ўтказишда, аккредитацияланган синов лабораториялари ва бошқа аккредитацияланган синов лабораторияларида ўтказилган синов натижалари ўзаро тан олинади.

8. Сертификатлашга ҳақ тўлаш, маҳсулотни мувофиқлигини баҳолаш ишлари натижаларидан қатъий назар, ариза берувчи томонидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Бунда сертификатлаш ишлари тўлов олдиндан амалга оширилгандан сўнг бажарилади.

9. Давлат хизматлари маркази, ЯИДХП ва Ўзагроинспекция ўртасидаги ахборотлар алмашинуви электрон рақамли имзони (кейинги ўринларда — ЭРИ) мажбурий тартибда қўллаш орқали фақат идоралараро ўзаро электрон боғланиш ёрдамида кўрсатилади.

10. Давлат хизматлари ушбу Регламентга 1-иловада* келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

2-боб. Давлат хизматлари кўрсатиш тартиби

11. Ариза берувчи давлат хизматларидан фойдаланиш учун Давлат хизматлари марказига ёки Ўзагроинспекцияга ўзи келиб мурожаат қилади, шунингдек, давлат хизматларидан электрон тарзда фойдаланиш учун ЯИДХПда рўйхатдан ўтади.

12. Ариза берувчи ўзи келиб мурожаат этган тақдирда, Давлат хизматлари маркази ёки Ўзагроинспекция ходими ариза берувчи номидан, ЯИДХП орқали мурожаат этган тақдирда эса, мустақил равишда ушбу Регламентга 2-иловага* мувофиқ шаклдаги аризани (сўровнома) электрон равишда тўлдиради.

* 1-2-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Mobil-ID илова орқали сўровнома тўлдирганда, фойдаланувчининг телефон рақамига юборилган хабарни тасдиқлаш орқали идентификацияланади.

Ариза берувчидан қуйидаги ҳужжатлар талаб қилинади:

ишлаб чиқариладиган маҳсулотга норматив ҳужжатлар нусхаси;

маҳсулот ёрлиғидан намуна ёки маҳсулот тўғрисида маълумот;

давлат санитария назорати идорасининг лабораториясида ўтказилган синовлар натижаларини ўз ичига олган санитария-эпидемиология хулосаси ва синов баённомалари нусхалари.

13. Ариза ёки сўровнома тўлдирилганидан сўнг, ариза берувчи маълумотларнинг тўғрилигини текшириб, аризани ёки сўровномани ўз имзоси ёки электрон рақамли имзоси билан тасдиқлайди.

14. Ариза ёки сўровномани имзолаш ёки электрон рақамли имзо билан тасдиқлаш имконияти бўлмаган ҳолларда, тегишли имзолар идентификация қилишнинг бошқа воситалари (ишончли вакил, билдактилоскопия, электрон имзо ва бошқалар) билан ҳам тасдиқланиши мумкин.

15. Уруғлар, дуккакли, мойли экинлар ва бошқа дон экинларини қайта ишлашдан олинган маҳсулотларни сертификатлаш бўйича давлат хизматлари кўрсатганлик учун тўлов (йиғим) 3-иловадаги* тўлов ставкаларига мувофиқ амалга оширилади.

Давлат хизматлари кўрсатиш учун ЯИДХП орқали мурожаат этилганда, ушбу банднинг биринчи хатбошисида кўрсатилган тўлов (йиғим) суммасининг 90 фоизи ундирилади.

Давлат хизматлари кўрсатганлик учун тўлов (йиғим) амалга оширилганлиги «Ягона биллинг» тизими орқали тасдиқланади.

16. Тўлов (йиғим) қуйидаги тартибда тақсимланади:

а) Давлат хизматлари марказига ўзи келиб мурожаат этганда:

20 фоизи — Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасига;

0,5 фоизи — Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасининг электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиётнинг идоралараро лойиҳаларини молиялаштириш бўйича махсус ҳисобварағига;

қолган маблағлар — Ўзагронспекциянинг ривожлантириш жамғармасига ўтказилади;

б) ЯИДХП орқали мурожаат этилганда:

10 фоизи — Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасига;

11,75 фоизи — Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасининг электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиётнинг идоралараро лойиҳаларини молиялаштириш бўйича махсус ҳисобварағига;

қолган маблағлар — Ўзагроинспекциянинг сертификатлаштириш органи шахсий ҳисобварағига ўтказилади;

в) Ўзагроинспекцияга мурожаат этилганда, кўрсатилган хизматнинг 100 фоизи Ўзагроинспекциянинг сертификатлаштириш органи шахсий ҳисобварағига ўтказилади.

* 3-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

17. Ариза берувчига дон ва дон маҳсулотларига тегишли техникавий шартлар бўйича давлат стандарти, «Маҳсулотларни сертификатлаш қоидалари» (2005 йил 18 март, рўйхат рақами 1458) ҳамда бошқа норматив ва техник ҳужжатларда назарда тутилган қуйидаги ҳолларда асосланган рад жавоби берилади:

Ўзагроинспекциянинг аккредитация доирасида мавжуд бўлмаган маҳсулотни сертификатлаш бўйича ариза берилганда;

Ўзагроинспекциянинг аккредитация гувоҳномаси вақтинчалик тўхтатилган, бекор қилинган ёки бошқа сабабларга кўра иш фаолияти тўхтатилганда; мазкур Регламентнинг 12-бандида талаб этилган ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилмаганда;

маҳсулотдан намуна танлаб олиш ва идентификациялаш учун шарт-шароитларни ариза берувчи томонидан яратилмаганда;

маҳсулотдан намуна танлаб олиш ва идентификациялаш жараёнида ариза берувчининг (вакили) иштирокини таъминланмаслиги ёки намуналар танлаб олишда Ўзагроинспекция мутахассислари шахсан иштирок этмаган бўлса;

маҳсулотнинг синов натижалари салбий бўлганда;

мувофиқликни баҳолаш натижаларига кўра, аввал маҳсулотнинг сифати бўйича номувофиқлиги (яроқсизлиги) ҳақида синов баённомаси ёки таҳлил натижаси тақдим этилган ҳолларда, шу маҳсулотни қайта сертификатлаш юзасидан ариза берилганда;

аризада ишончсиз, шубҳали, нотўғри маълумотлар кўрсатилганда;

идентификация натижаларига кўра, сертификатлаштирилаётган маҳсулот тури белгиланган намунада эмаслиги маълум бўлганда;

давлат хизматлари кўрсатиш учун тўлов (йиғим) амалга оширилмаганда;

маҳсулот норматив ҳужжатлар талаблари асосида тайёрланмаганда;

маҳсулотдан намуналар танлаб олиш тартибига риоя қилинмаганда;

шартнома талаблари ариза берувчи томонидан бажарилмаганда;

қонунчилик ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳолларда.

Ариза берувчи рад жавобини олганидан (маҳсулотнинг синов натижалари салбий бўлган ҳолат бундан мустасно) кейин аниқланган камчиликларни бир ой мобайнида бартараф этиши ва қайта мурожаат қилиши мумкин, акс ҳолларда қайтадан тўлов амалга оширилиши талаб этилади.

18. Ўзагроинспекция давлат хизматлари кўрсатишни қуйидаги ҳолларда тўхтатиб туришга ҳақли:

фуқаролик, иқтисодий, маъмурий ёки жиноят суд ишларини юрийтиш тартибида кўрилаётган иш юзасидан давлат хизматлари кўрсатишни вақтинчалик тўхтатиш ҳақида суд ҳужжатлари бўлганда;

давлат хизматлари кўрсатишда иштирок этаётган жисмоний шахс вафот этганда, юридик шахс тугатилганда, фаолиятини тўхтатганда ёки қайта ташкил этилганда;

хатоларни тўғрилаш ва зарур ҳужжатларни тақдим этиш имконияти берилганда;

экспертиза тайинланганда.

Давлат хизматлари кўрсатишни тўхтатиб туриш тўғрисидаги хабар манфаатдор шахсларга бир иш кунида ЯИДХП орқали ёки аризачининг ўзига юборилади. Давлат хизматлари кўрсатишни тўхтатиб туриш ҳақидаги хабар процессуал ҳужжат ҳисобланади.

Давлат хизматлари кўрсатишни тўхтатиб туриш — давлат хизматлари кўрсатиш муддати ўтишининг олдини олишга асос бўлади.

19. Давлат хизматлари кўрсатишни бошқа асослар бўйича рад этиш тақиқланади.

20. Ариза берувчи давлат хизматларидан фойдаланишдан уни кўрсатишнинг ҳар қандай босқичида бош тортиш ҳуқуқига эга.

Ариза берувчи давлат хизматларидан фойдаланишдан бош тортганда, унинг аризаси ёки сўровномаси кўрмасдан қолдирилади. Бунда тўланган тўлов (йиғим) суммаси қайтарилмайди.

21. Ариза берувчи Давлат хизматлари марказига ёки Ўзагроинспекцияга келиб мурожаат этганда, унинг аризаси ёки сўровномаси Давлат хизматлари маркази ёки Ўзагроинспекция ходими томонидан тўлдирилиб, ариза берувчи томонидан тасдиқланганидан сўнг бир иш кунида автоматик тарзда Ўзагроинспекцияга электрон шаклда юборилади ёки Ўзагроинспекциянинг сертификатлаштириш органида рўйхатдан ўтказилади.

ЯИДХП орқали мурожаат қилинганда эса, сўровнома автоматик тарзда Ўзагроинспекцияга электрон шаклда юборилади.

3-боб. Маҳсулотнинг ишлаб чиқариш шароити ва жараёнини баҳолаш, намуналарни танлаб олиш ва идентификациялаш

22. Сертификатланадиган маҳсулотни ишлаб чиқариш шароити ва жараёнини баҳолаш Ўзагроинспекция томонидан амалга оширилади ҳамда баҳолаш натижалари бўйича мувофиқлик сертификатини расмийлаштириш учун далолатнома тузилади.

23. Маҳсулотнинг ишлаб чиқариш шароити ва жараёнини баҳолаш намуналар танлаб олингандан кейин 10 иш кунида амалга оширилади.

24. Маҳсулотнинг ишлаб чиқариш шароити ва жараёнини баҳолаш натижалари бўйича маълумотлар маҳсулотнинг мувофиқлик сертификатидан қайд қилинади.

25. Сертификатлаш учун маҳсулот намуналарини танлаб олиш ва идентификация қилиш ишлари ариза берилганидан икки иш кунидан кечиктирилмасдан Ўзагроинспекция томонидан жойига чиққан ҳолда амалга оширилади.

Ўзагроинспекция мутахассислари идентификациялаш ва намуналарни танлаб олиш жараёнларини ариза берувчи ёки унинг вакили иштирокида амалга оширади.

26. Сертификатланадиган маҳсулот намуналарининг миқдори, намунани танлаб олиш, идентификация қилиш ва сақлаш тартиби норматив ҳужжатларга мувофиқ амалга оширилади.

27. Сертификатлашга тақдим этилган маҳсулотдан намуналарни танлаб

олишда идентификация қилиш амалиёти, маҳсулотни сертификатлаш қоидаларидан келиб чиқиб, ушбу Регламентнинг 4 ва 4а-иловаларига* мувофиқ намуналарни идентификация қилиш ва намуна танлаб олиш далолатномасини расмийлаштирган ҳолда амалга оширилади.

Агар идентификация натижаларига кўра, ариза берувчи томонидан тақдим этилган намуналар норматив ҳужжатлар талабларига номувофиқ ёки сертификатланадиган маҳсулот тури белгиланган намунада эмаслиги маълум бўлса, намуналар танлаб олинмайди ва ариза берувчига асосланган рад жавоби берилади.

28. Ишлаб чиқарилган маҳсулотни идентификация қилиш ва намуналарни танлаб олиш далолатномаси икки нусхада расмийлаштирилади ва уларнинг бир нусхаси ариза берувчига берилади.

4-боб. Синовларни ўтказиш тартиби

29. Ариза берувчининг омборидан ёки ишлаб чиқариш корхоналаридан Ўзагроинспекция мутахассислари томонидан норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ далолатномаларни расмийлаштирган ҳолда идентификация қилинган ва танлаб олинган намуналар ҳамда тегишли ҳужжатлар икки иш кунда аккредитацияланган синов лабораториясига тақдим этилади.

30. Сертификатлаш мақсадида синовлар аккредитацияланган синов лабораторияларида ўтказилади.

Бунда маҳсулотни сертификатлаш учун синов баённомаларини расмийлаштириш ва бериш муддати маҳсулот турига ҳамда норматив ҳужжатларга мувофиқ ўтказиладиган барча синов усулларининг давомийлигидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

31. Синов натижаларига кўра, маҳсулот мувофиқ (яроқли) деб топилганда унга синов баённомаси ёки номувофиқ деб топилган ҳолларда эса, унга номувофиқлиги тўғрисида хабарнома расмийлаштирилади.

32. Ариза берувчи Ўзагроинспекцияга маҳсулотни етиштириш ва ишлаб чиқаришни ташкил этишда ўтказилган синов натижаларини ёки аккредитацияланган синов лабораториялари томонидан амалга оширилган синовлар тўғрисидаги ҳужжатларини тақдим этиши мумкин.

32. Синов натижалари салбий бўлган тақдирда, Ўзагроинспекция икки иш кунда ариза берувчига ёки Давлат хизматлари марказига, ЯИДХП орқали ариза берувчига қонунчилик ҳужжатларидаги нормаларни кўрсатган ҳолда маҳсулотнинг мувофиқлик сертификатини беришни рад этилганлиги тўғрисидаги хабарномани юборади.

Агар синов натижалари орасидаги тафовутлар рухсат этилган меъёрдан юқори бўлганда ёки норматив ҳужжатларда кўзда тутилган бошқа ҳолатларда, Ўзагроинспекция томонидан маҳсулотнинг сифат кўрсаткичлари қайта синовдан ўтказилади ва синов жараёнлари давомийлиги белгиланган тартибда узайтирилади ҳамда бу ҳақда икки иш кунда ариза берувчига ёки Давлат хизматлари марказига, ЯИДХП орқали ариза берувчига хабарнома юборилади.

* 4-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

33. Агар хориждан келтирилган маҳсулотнинг сифат ва хавфсизлик талаблари тасдиқланмаган тақдирда, Ўзагроинспекция икки иш кунда ариза берувчига ёки Давлат хизматлари марказига, ЯИДХП орқали Давлат божхона қўмитасига ушбу маҳсулотнинг номувофиқлиги тўғрисида расмий равишда хабарнома юборади.

34. Маҳсулотни синовдан ўтказиш даврида бутунлай ёки қисман бузилганлиги, шунингдек, синаш даврида ҳисобдан чиқарилганлиги (қайтариб берилганлиги) тўғрисидаги далолатнома ариза берувчининг (ёки унинг вакили) иштирокида ушбу Регламентнинг 5-иловасига* мувофиқ тузилади.

5-боб. Мувофиқлик сертификатини расмийлаштириш тартиби

35. Ўзагроинспекция маҳсулотнинг синов баённомасини, ишлаб чиқариш шароитида баҳолаш натижасини ҳамда ариза берувчи томонидан тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиққандан сўнг маҳсулотга мувофиқлик сертификатини беради ёки беришни рад этади.

Маҳсулотга мувофиқлик сертификатини расмийлаштириш ва бериш муддати барча зарур бўлган ҳужжатлар (мазкур Регламентнинг 12-бандида назарда тутилган ҳужжатлар) тақдим этилганидан ва лаборатория синов натижалари (синов баённомаси ёки таҳлил натижаси) олинганидан сўнг уч иш кунидан ошмаслиги керак.

36. Маҳсулотга мувофиқлик сертификати давлат тилида ёки хорижий тилларда расмийлаштирилади.

Маҳсулотга мувофиқлик сертификати portal.standart.uz автоматлашган ахборот тизими ҳамда «Ягона дарча» божхона ахборот тизимига интеграция қилинган ҳолда электрон шаклда расмийлаштирилади.

37. Расмийлаштирилган мувофиқлик сертификатига асосан Ариза берувчи билан мувофиқлик белгисидан фойдаланиш ҳуқуқини бериш тўғрисида битим тузилади.

Мазкур битимда сертификатлаштирилган маҳсулотни мувофиқлик белгиси билан тамғалаш усули ва Ўзагроинспекция назоратининг шартлари келишиб олинган бўлиши лозим.

38. Берилган сертификат бўйича битим асосида йилига камида бир мартаба инспекция назорати амалга оширилади.

Инспекция назорат ишлари қўйидаги тартибда амалга оширилади:

- а) ишлаб чиқариш шароитлари ва жараёнларини баҳолаш;
- б) тайёр маҳсулотлардан намуналарни танлаб олиш;
- в) маҳсулотнинг сифат кўрсаткичларини аниқлаш;
- г) синов натижалари бўйича синов баённомаларини расмийлаштириш;
- д) ўтказилган инспекция назорати якуни бўйича далолатномани расмийлаштириш;
- е) олинган синов натижалари ижобий бўлганда, мувофиқлик сертификатининг амал қилиш муддатини ўз кучида қолдириш;

* 5-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ё) олинган синов натижалари салбий бўлганда, мувофиқлик сертификатининг амал қилиш муддатини вақтинча тўхтатиш ёки бекор қилиш.

39. Сертификатланган, серияли ишлаб чиқариладиган маҳсулот (кадоқ, идиш ва юк жўнатув ҳужжатлари) ишлаб чиқарувчи ташкилотнинг масъуллиги остида мувофиқлик белгиси билан тамғаланади.

40. Берилган мувофиқлик сертификатининг нусхаси асосида ишлаб чиқарувчи ташкилот ўз маҳсулотларини реализация қилиши мумкин.

41. Мувофиқлик сертификати амалда бўлган даврда ишлаб чиқарилган маҳсулот сертификатланган деб ҳисобланади ва қайта сертификатланмайди.

Маҳсулотнинг сертификатланганлиги мувофиқлик белгиси ва маҳсулот белгисида, унинг ишлаб чиқариш санаси қайд этилган маълумот билан тасдиқланади.

42. Расмийлаштирилган мувофиқлик сертификати Ўзагроинспекциянинг масъул ходимлари томонидан электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳолда ариза берувчига Ўзагроинспекция ёки Давлат хизматлари маркази (ўзи келиб мурожаат этган тақдирда) ва ЯИДХП орқали электрон тарзда юборилади.

6-боб. Якунловчи қоидалар

43. Ўзагроинспекция, Давлат хизматлари маркази ва Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳузуридаги «Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази» ДУК давлат хизматларини кўрсатиш бўйича тақдим этилган ҳужжатлар ва сертификатлаш натижалари бўйича маълумотларнинг сир сақланишини таъминлайди.

44. Ўзагроинспекция, Давлат хизматлари маркази, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳузуридаги «Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази» ДУК манфаатдор шахсга маъмурий ҳужжатни қабул қилиш учун аҳамиятга эга бўлган барча ҳолатлар юзасидан ўз фикрини билдириш имкониятини беради.

45. Адлия вазирлиги ва унинг ҳудудий бошқармалари ҳамда Давлат хизматлари марказлари ушбу Регламент талаблари ижроси бўйича Ўзагроинспекциянинг сертификатлаштириш фаолияти юзасидан, шу жумладан, ЯИДХП орқали доимий назоратни амалга оширади ва мониторинг олиб боради.

46. Ариза берувчи давлат хизматларини кўрсатувчи ва бошқа ташкилотлар ходимларининг хатти-ҳаракатлари юзасидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилишлари мумкин.

47. Мазкур Регламент талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
БАНДЛИК ВА МЕХНАТ МУНОСАБАТЛАРИ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ****461 Дарё транспорти ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил
12 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2067-1*

Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 19 октябрдаги ЎРҚ–794-сон «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 1 февралдаги ПФ–5647-сон «Транспорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармониغا мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2009 йил 10 декабрдаги 76/1-сон буйруғи (рўйхат рақами 2067, 2010 йил 14 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 1-2-сон, 17-модда) билан тасдиқланган Дарё транспорти ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Тошкент ш.,
2022 йил 29 ноябрь,
33-2022/Б-сон

Н. ХУСАНОВ

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 12 декабрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
бандлик ва меҳнат муносабатлари
вазирининг 2022 йил 29 ноябрдаги
33-2022/Б-сон буйруғига
ИЛОВА

Дарё транспорти ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимча

1. Муқаддима қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Қоидалар дарё транспорти ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш тартибини белгилайди.».

2. 8-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«8. Ўзбекистон Республикаси «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»-ги Қонунининг 12-моддасига мувофиқ, ишлаб чиқариш фаолиятини амалга оширувчи, ходимларининг сони эллик киши ва ундан ортиқ бўлган ҳар бир ташкилотда меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига риоя этилишини таъминлаш, уларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш мақсадида меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ташкил этилади ёки меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича тегишли тайёргарликка эга бўлган мутахассис лавозими жорий этилади. Элликта ва ундан ортиқ транспорт воситаси мавжуд бўлган ташкилотда йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ҳам ташкил этилади ёки йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича мутахассис лавозими жорий этилади.

Ходимларининг сони эллик нафардан кам бўлган ташкилотда меҳнатни муҳофаза қилиш хизматини ташкил этиш ёки меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассис лавозимини жорий этиш тўғрисидаги қарор иш берувчи томонидан мазкур ташкилот фаолиятининг ўзига хос хусусияти ҳисобга олинган ҳолда қабул қилинади.».

3. 9-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«9. Меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ва йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ташкилотнинг мустақил таркибий бўлинмалари бўлиб, улар бевосита ташкилот раҳбарига бўйсунди.».

4. 11-банд «саломатлигининг» деган сўздан кейин «меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

5. 38-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

6. 39-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«39. Ташкилотларда ходимларнинг саломатлигини назорат қилиш Ходимларни тиббий кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 2387, 2012 йил 29 август) асосида амалга оширилиши лозим.».

7. 78-банддаги «Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

462 «Солиқ маслаҳатчиларининг малакасини ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқ, шунингдек унга ўзгартиришлар ва қўшимчани ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил
12 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2343-4*

Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ маслаҳатига оид фаолият тўғрисида»ги Қонунининг 35-моддасига мувофиқ **буюраман:**

1. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.
2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган.
3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирди.

Вазир

Т. ИШМЕТОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 24 ноябрь,
64-сон

Келишилди:

*Олий ва ўрта махсус
таълим вазири*

А. ТОШКУЛОВ

2022 йил 14 ноябрь

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 12 декабрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг 2022 йил 24 ноябрдаги
64-сон буйруғига
ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий норматив-
ҳуқуқий ҳужжатлар
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2012 йил 29 февралдаги 23-сон «Солиқ маслаҳатчиларининг малакасини ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2343, 2012 йил 17 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 12-сон, 135-модда).

2. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2014 йил 30 июндаги 46-сон «Солиқ маслаҳатчиларининг малакасини ошириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2343-1, 2014 йил 11 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 28-сон, 351-модда).

3. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2017 йил 19 июндаги 82-сон «Солиқ маслаҳатчиларининг малакасини ошириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2343-2, 2017 йил 22 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 25-сон, 565-модда).

4. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2019 йил 18 мартдаги 39-сон «Солиқ маслаҳатчиларининг малакасини ошириш тартиби тўғрисидаги низомнинг 2-иловасига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2343-3, 2019 йил 3 апрель) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 04.04.2019 й., 10/19/2343-3/2879-сон).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРИНИНГ
БҲЙРУҒИ

463 Қон ва унинг таркибий қисмларини топшириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 12 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2556-2

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 9 августдаги ПҚ–348-сон «Республикада қон билан ишлаш хизмати муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш ва аҳоли орасида беғараз донорлик ҳаракатини ривожлантириш чоралари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2013 йил 16 декабрдаги 423-сон бўйруғи (рўйхат рақами 2556, 2014 йил 15 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 3-сон, 38-модда) билан тасдиқланган Қон ва унинг таркибий қисмларини топшириш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур бўйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Б. МУСАЕВ

Тошкент ш.,
2022 йил 24 ноябрь,
28-сон

* Ушбу бўйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 12 декабрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
соғлиқни сақлаш вазирининг 2022 йил
24 ноябрдаги 28-сон буйруғига
ИЛОВА

**Қон ва унинг таркибий қисмларини топшириш тартиби
тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартириш ва
қўшимчалар**

1. 12-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:
«Донорлар қон билан ишлаш хизмати томонидан:
Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари — паспорт ёки идентификация ID-картаси ёхуд янги намунадаги миллий ҳайдовчилик гувоҳномаси, ҳарбий хизматчилар эса, ҳарбий ҳисобга олиш ҳужжатлари (ҳарбий гувоҳнома ёки офицернинг шахсий гувоҳномаси);
чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар — чет эл фуқаросининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсининг идентификация ID-картаси, миллий паспорти ёки чет давлат фуқаролигига мансублигини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар билан қабул қилинади.»
2. 15-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:
«15. Донорлар тегишлича қуйидаги бирламчи тиббий ҳужжатлар асосида ҳисобга олинади:
Заҳм, гепатит ва ОИВ/ОИТС бўйича натижалари мусбат бўлган донорларни қайд қилиш журнали;
Донорнинг ҳисоб варақаси;
Пуллик (фаол) донорнинг тиббий картаси;
Бепул (беғараз) донорнинг картаси;
Стафилококка қарши анатоксин билан иммунизация ва реиммунизация қилиш журнали;
Донорларни ҳисобга олиш кундалиги;
Пуллик (фаол) донорларни ҳисобга олиш кундалиги;
Бепул (беғараз) донорларни ҳисобга олиш кундалиги.»
3. 17-банддан «(405/У — шакл)» деган сўзлар чиқариб ташлансин.
4. 18-банддан «(405/У — шакл)» ва «(406/У — шакл)» деган сўзлар чиқариб ташлансин.
5. 31-бандда:
учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;
тўртинчи — олтинчи хатбошилар тегишли равишда учинчи — бешинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.
6. 33-бандда:
иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;
учинчи — бешинчи хатбошилар тегишли равишда иккинчи — тўртинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;
иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:
«олти ойда бир марта тегишли Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг ҳудудий бошқармаси ёки туман (шаҳар)

бўлимидан А, В ва С гепатитларига алоқадорлиги йўқлиги ҳақида маълумот-нома;».

7. 41-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«41. Донорнинг соғлигида донор бўлишга қарши кўрсатмалар бўлган тақдирда, тиббий ҳужжатларга (Донорнинг ҳисобварақаси ва Пуллик (фаол) донорнинг тиббий картаси ёки Бепул (беғараз) донорнинг картасига) уни донорликдан четлаштириш сабаблари ва ҳисобдан чиқарилган санаси ёзиб қўйилади ва ўз навбатида, ушбу донор ҳақидаги ахборот Ягона донорлик марказига юборилади.».

8. 1-илова матнидаги «Сизда сўнгги 3 ҳафта ичида безгак бўлганми?» деган сўзлар «Сизда сўнгги 3 ҳафта ичида тана ҳарорати кўтарилганми?» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

9. 2-иловада:

олтинчи позициядан «бруцеллез» деган сўз чиқариб ташлансин;

йигирма биринчи позициядаги «Рухий касалликлар» деган сўзлар «Рухий ҳолатнинг бузилиши» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2-боб қўйидаги мазмундаги 23 — 25 позициялар билан тўлдирилсин:

«

23.	Чет элда 2 ойдан узоқ вақт оралигида бўлган шахслар	6 ой
24.	Коронавирусга қарши эмланганлар	эмланиш тўлиқ тугагандан сўнг 1 ой
25.	Коронавирус билан касалланиб соғайган шахслар	тўлиқ соғайгандан сўнг асоратларсиз ҳолатларда 2 ой

».

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
DAVLAT STATISTIKA QO‘MITASINING
QARORI

464 Statistika hisoboti shakllarini tasdiqlash to‘g‘risida*

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2022-yil
12-dekabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3401*

O‘zbekiston Respublikasining “Rasmiy statistika to‘g‘risida”gi Qonuni va Vazirlar Mahkamasining 2017-yil 2-sentabrdagi 690-son qarori bilan tasdiqlangan O‘zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo‘mitasi to‘g‘risidagi nizomga muvofiq, O‘zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo‘mitasi **qaror qiladi:**

1. Statistika hisoboti shakllari 1 — 98-ilovalarga** muvofiq tasdiqlansin.
2. Quyidagilar o‘z kuchini yo‘qotgan deb topilsin:

O‘zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo‘mitasining 2021-yil 11-oktabrdagi 10-mb-son “2022-yil uchun statistika hisoboti shakllarini tasdiqlash to‘g‘risida”gi qarori (ro‘yxat raqami 3334, 2021-yil 25-noyabr) (Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi 25.11.2021-y., 10/21/3334/1096-son);

O‘zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo‘mitasining 2022-yil 20-apreldagi 17-mb-son “2022-yil uchun statistika hisoboti shakllarini tasdiqlash to‘g‘risida”gi qarorga o‘zgartirish va qo‘shimcha kiritish haqida”gi qarori (ro‘yxat raqami 3334-1, 2022-yil 19-may) (Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi, 19.05.2022-y., 10/22/3334-1/0439-son).

3. Mazkur qaror 2023-yil 1-yanvardan kuchga kiradi.

Rais

B. BEGALOV

Toshkent sh.,
2022-yil 16-noyabr,
23-mb-son

* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da 2022-yil 13-dekabrda e‘lon qilingan.

** 1 — 98-ilovalar «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da e‘lon qilingan.

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг
норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан
ўтказиш ҳолати тўғрисида
МАЪЛУМОТИ**

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг 2022 йил 29 ноябрдаги 33-2022/Б-сон «Дарё транспорти ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2022 йил 12 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2067-1.

2. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2022 йил 24 ноябрдаги 64-сон «Солиқ маслаҳатчиларининг малакасини ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқ, шунингдек унга ўзгартиришлар ва қўшимчани ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи.

2022 йил 12 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2343-4.

3. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2022 йил 24 ноябрдаги 28-сон «Қон ва унинг таркибий қисмларини топшириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2022 йил 12 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2556-2.

4. O'zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo'mitasining 2022-yil 16-noyabrdagi 23-mb-son "Statistika hisoboti shakllarini tasdiqlash to'g'risida"gi qarori.

2022-yil 12-dekabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3401.

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2012 йил 29 февралдаги 23-сон «Солиқ маслаҳатчиларининг малакасини ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2343, 2012 йил 17 март), шунингдек унга ўзгартиришлар ва қўшимча (рўйхат рақами 2343-1, 2014 йил 11 июль), (рўйхат рақами 2343-2, 2017 йил 22 июнь), (рўйхат рақами 2343-3, 2019 йил 3 апрель).

2022 йил 12 декабрда давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.